O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

Миллий Тиклониш

Ўзбекистон Миллий тиклониш демократик партиясининг ҳафталик газетаси | 1999 йил, 11 май | 19 (192)- сон

МАЪРИФАТЛИ АЖДОДЛАР РУҲИ БИЗГА ҲАМДАМ

«МТ»нинг ушбу сони Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланади

ХОТИРА ЧИРОҒИ ЎЧМАЙДИ

Президент Ислом Каримовнинг Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланган тантанали маросимдаги сўзи

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Қадрли уруш ва меҳнат фахрийлари!

Бугун ўлкамизда илк бор Хотира ва қадрлаш куни нишонланмоқда.

Мен барчангизни - жафокаш, меҳнаткаш, кўпни кўрган, катта-кичик жангларда мардлик ва жасорат кўрсатган халқимизни мана шу қутлуғ сана билан чин қалбимдан табриклайман.

Биз нима учун 9 май байрамини Хотира ва Қадрлаш куни деб эълон қилдик?

Ижозатингиз билан шу тўғрида яна икки оғиз айтиб ўтсам.

Хотира деганда биз бу фоний дунёдан ўтган аждодларимизни эслаш, уларнинг чироғини ёқиб, эзгу ишларини давом эттиришни тушунамиз. Бу халқимизга хос азалий фазилатдир.

Хотираси бўлмаган, тарихини унутган, ўз аждодларининг қадрига етмайдиган миллатнинг истиқболи йўқ. Бу ҳақиқатни кишилик тарихи исботлаб турибди.

Қадрлаш дегани - бу асрлар давомида она диёримизни, халқимизнинг озодлик ва истиқлолини, эркин ва фаровон ҳаётини мардлик ва шижоат билан ҳимоя қилган фидойи ватандошларимизни ёдга олмоқ, уларга муносиб ҳурмат ва эҳтиром кўрсатмоқдир.

Ҳаётнинг кўп-кўп синовларини, азоб-уқубатларини бошидан кечирган, Ватан учун, эл-юрт учун, мана шу соф осмонимиз учун жон олиб жон берган, бугун ҳам сафларимизда юрган меҳрибон ота-боболаримизни, олижаноб инсонларни эъзозлашдир.

Хотира ва Қадрлаш куни деган тушунча ғоят теран маънога эга. Бу фақат фашизм балосига қарши жангу-жадалларда қатнашган, она-юрт ҳимояси учун умрини бахш этган кишиларни шарафлаш дегани эмас.

Бу муборак кунда, халқимизнинг асрлар давомида орзу-ният қилиб, интилиб келгани - ҳуррият ва озодлик йўлида ҳаётини қурбон қилиб шаҳид кетган Тўмарис, Широқ, Спитамен, Жалолиддин Мангуберди, Нажмиддин Кубро, Намоз ботир каби халқ қаҳрамонларини, Қодирий, Беҳбудий, Мунаввар қори, Чўлпон, Авлоний, Фитрат, Усмон Носир сингари миллатимиз фидойиларини эслашимиз ҳам қарз, ҳам фарздир.

Хотира ва Қадрлаш деганда биз аввало ўзимизни инсон сифатида англашни, одамийлик фазилатларимизни улуғлашни назарда тутамиз. Энг муҳими, бу ҳаяжонли ва изтиробли сана ўрнимизга келадиган ёш авлодни мана шу руҳда тарбиялашга, улар қалбида Ватан ва юрт учун ғурур ва ифтихор туйғуларини уйғотишга хизмат қилади.

Бу ҳаётнинг гўзал ва нурафшон, юртимизнинг озод ва обод бўлишида шу муқаддас заминда яшаётган қўли қадоқ, нияти пок миллион-миллион юртдошларимизнинг беқиёс ҳиссаси бор. Бугунги Хотира ва Қадрлаш кунида мен кўпчилик қаторида ана шу камтар ва камсуқум, оддий, заҳматкаш инсонларни бағримга олиб, барчасига таъзим қиламан.

Муҳтарам дўстлар, юртдошларим!

Бугун пойтахтимиз марказида бунёд этилган муаззам Хотира майдони очилмоқда. Бу ҳам мустақиллик тафаккурининг яна бир бор намоён бўлиши, халқимизнинг табиатига ёт бўлган эски қолип ва сохта ғоялардан воз кечганимизнинг яна бир тасдиғидир.

Шу нуқтаи назардан қараганда «номаълум аскар» деган тушунча нимани англатар эди?

Ўзингиз ўйланг, инсон она юрти, халқининг бахт-саодати учун омонсиз жангларда жонини фидо этсаю унинг номи номаълум бўлса!

Ахир, урушга кетган ҳар бир аскарнинг номи, насл-насаби унинг ота-онаси, қариндош-уруғлари, фарзандларининг қалбида бир умр армон бўлиб яшайди-ку! Ахир, уларнинг ҳар бири шу халқимиз, шу миллатимизнинг жондан азиз фарзандлари, бизнинг жигарбандларимиз эмасми?!

Биз учун урушларда қурбон бўлган юз минглаб юртдошларимизнинг номи ҳам, жасорати ҳам маълум ва ҳеч қачон унутилмагай, иншоолло!

Шунинг учун биз уларнинг номларини мана шу майдондаги мухташам Хотира китобига зарҳал ҳарфлар билан мангу муҳрлаб қўйдик.

Токи бу муқаддас зиёратгоҳга қадам қўйган ҳар бир инсон, нафақат халқимиз, балки бутун дунё аҳли аждодларимизга, фидойи жангчиларимизга бўлган буюк эҳтиромимизни кўрсин, уларнинг хотираси қаршисида таъзим бажо этсин.

Азиз биродарлар!

Мана шу майдон марказида уруш ва айрилиқлардан беҳад қайғу-жафо чеккан, фарзандлари доғида қадди дол бўлган Мотамсаро она ҳайкали ўрнатилган.

Бу ҳайкал узоқ тарихи давомида не-не балоқазоларни, жабру- зулмларни, қирғин-қатағонларни бошидан кечирган, айни пайтда ўз эркинлиги, инсоний ҳақ-ҳуқуқлари учун тинимсиз курашган она Ватанимизнинг ёркин тимсолидир.

Инсон боласини Она ёруғ дунёга келтиради, оқ ювиб оқ тарайди. Уни беғараз меҳри билан улғайтиради. Инсон қалбида неки олижаноб туйғулар ва одамийлик хусусиятлари мавжуд бўлса, барчаси она меҳридан, она тарбиясидандир.

Ватанга муҳаббат туйғуси она сути, она алласи билан қон-қонимизга сингади, онгимизга киради.

Шу боис Она - Ватан, Ватан - Она демакдир. Биз меҳр ва муҳаббатни, садоқат ва фидойиликни мунис оналаримиздан, бебаҳо Ватанимиздан оламиз. Ва бизнинг ҳам жамики эзгу ниятларимиз, хайрли ишларимиз Она Ватанга аталгандир.

Мотамсаро онанинг маҳзун қиёфаси ҳар биримизни ҳушёрликка чорлайди. Уруш ва қирғинларга йўл қўймасликка, бугунги ёруғ ва дориломон кунларимизнинг қадрига етиб яшашга даъват этади.

Биз муқаддас Она ҳайкали пойига битган «Сен доимо қалбимдасан, жигарим» сўзлари миллатимизнинг, халқимизнинг қурбон бўлган фарзандларига чексиз эҳтиромини англатиб, қалбларимизда доимо акс-садо бериб туради.

Мангу олов теграсига зикр этилган «Эл-юртимизнинг эрки ва озодлиги, бахту-саодати учун ҳаётини қурбон қилган ватандошларимиз хотираси ҳамиша барҳаётдир» деган сўзлар эса узоқ ва яқин тарихимизда бугунги озодлик ва мустақиллигимиз учун курашиб жон фидо этганлар хотираси юракларимизда абадий яшашини англатади.

Азиз ватандошлар!

Биз мустақиллик йилларида ўзлигимизни англаш, тарихий-миллий қадриятларимизни тиклаш борасида нимаики иш қилаётган бўлсак, уларнинг барчасини ягона мақсад - кўпмиллатли халқимизни бирлаштириш учун қилмоқдамиз.

Ишончим комилки, Хотира ва Қадрлаш куни халқимизни янада бирлаштиради, унинг руҳига малҳам бўлади, иродасини бақувват, иймонини бутун қилади.

Фурсатдан фойдаланиб, мана шу муаззам обидани бунёд этишда сидқидилдан меҳнат қилган қурувчи ва усталарга, меъмору- муҳандисларга ўз номимдан, бутун халқимиз номидан самимий миннатдорчилик билдиришга ижозат этгайсизлар.

Шундай хайрли ва олижаноб ишга ҳиссам қўшилганидан мен ҳам ғоят бахтиёрман.

Азиз юртдошларим!

Барчангизни бугунги улуғ айём билан яна бир бор табриклайман.

Ҳаммангизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, фарзандларимиз бахтини кўриш насиб этсин.

Билки, ҚАДР билмак аслида — ВАТАН,
Ватаннинг маъноси боқий ХОТИРА.
Эркин ВОҲИДОВ

Мусаввир Гулнора РАҲМОН

Журналист таклиф қилади

МИЛИЦИЯ ТЎҒРИСИДА ҚОНУН ЧИҚСА...

Ўзингиздан қолар гап йўқ, эндиликда биз буюк давлат қуриш сари бораяпмиз. У, шубҳасиз, ҳуқуқий ва демократик тамойилларга асосланган бўлади, деяпмиз. Бундай жамият қуришнинг энг муҳим шартларидан бири, биласиз, қонун устуворлигини таъминлашдан иборатдир. Бунинг учун эса амалдаги қонунлар ҳар томонлама мукаммал, пишиқ-пухта ва узоққа мўлжалланган бўлиши, биринчи навбатда ўзида эл-юрт манфаатини ифода этиши шарт. Масалага шу жиҳатдан қарасак, сўнгги йилларда жумҳуриятимиз ҳаётида чўнг аҳамият касб этадиган кўплаб қонунлар қабул қилинди. Айтайлик, Таълим тўғрисидаги, ер ва ўрмон ҳақидаги, матбуот ва журналистик фаолияти тўғрисидаги, тадбиркорлар ҳақидаги ва ҳоказолар.

Назаримда, энди милиция тўғрисида ҳам алоҳида қонун жорий этиш фурсати етган кўринади. Негаки, ҳозирги кунда ҳаётимизнинг бирон-бир жабҳасини, мамлакатда тартиб-интизом, кундалик юриш-туришимизни ушбу соҳа вакиллари хизматисиз тасаввур этиш қийин. Бир сўз билан айтганда, милициянинг давлат ва жамият тинчлигини, халқ ва фуқаролар осойишталигини қўриқлашдаги ўрни ҳар қачонгидан ошди.

Турган гап, ушбу соҳага дахлдор қонун қабул қилинса, у ички ишлар хизмати ходимларининг ҳақ-ҳуқуқларини, бурч ва масъулиятларини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлайди. Шу билан бир қаторда, хизмат вазифаси ва мансабини суиистеъмол қиладиган, ўзи адолат тимсоли бўла туриб, қонун ва қарорларни қўпол равишда бузадиган, гоҳида оддий фуқароларни менсимайдиган, ҳамкасблари шаънига доғ тушираднган айрим милиция ходимларининг ножўя ҳатти-ҳаракатларига чек қўяди. Шу тариқа милицияни халққа янада яқинлаштиради, фуқароларнинг қонунларга ҳурматини, келажакка ишончини янада оширади.

Абдунаби ҲАЙДАРОВ

ЯНГИ ТАЯНЧЛАР ҚАД РОСТЛАЯПТИ!

Андижон туманида янги коллежнинг сўнгги ғиштлари қўйилмоқда. Ҳозир бу ерда қурилиш ва ўқувга тайёргарлик билан боғлиқ бошқа барча ишлар қизғин. Қурувчилар ишни ишга, навбатни навбатга улаб икки-уч сменада ғайрат қилишмоқда. Муҳбирингиз янги коллежга қўйилаётган ғиштларга қараб, янгидан бус-бутун шаклланаётган кўркам ўқиш — таҳсил саройининг қадди-бастига маҳлиё бўлиб, бунда янги маърифат замонининг дараги, руҳини уққандай сезади.

Янги коллежлар... Улар ўзига хос меъморчилик усулларида XXI асрни кўзлаб барпо этилмоқда. Улар ҳақиқий миллий илм — ҳунар кошоналари бўлади. Таълим Дастуримизнинг жуда катта ҳаётбахш йўналиши шу ерларда — шу коллежларда рўёбга чиқади. Уларда XXI асрнинг малакали, маърифатли, эркин фикрли одамлари тарбияланиб етишиб чиқади.

Андижон тумани ҳоким ўринбосари Шарифжон Умаров билан коллеж қурилишини айланар эканмиз, 105-механизациялашган кўчма қурилиш колоннаси бошлиғи Мадаминжон Холдоровни майдончада учратдик.

— Саноат йўналишидаги бу коллеж қурилишини 12 январда бошлаган эдик, — дейди Мадаминжон Холдоров, — август ойида тахт қилиб топширамиз. Коллежга 5 га ер майдони ажратилган. У 300 та ёшларнинг таълим олишини тўла таъминлайди. Коллежнинг спорт зали, катта акт зали, тўрт замонавий жиҳозланган устахонаси бўлади. Асосан, пайвандчилар, чилангарлар, пойабзалчилар, сантехник мутахассисликлари бўйича кадр етиштиради. Коллежга 9-синфни битирганлар қабул қилинади. Ўқувчилар коллежга уч йил қатнаб ўқийдилар ва стипендия оладилар. Битиргач, махсус дипломли бўладилар.

Мадаминжон сўзлайди. Унинг ҳикоясида келажагимиз суратланади. Ўзбекистонда таҳсил, маърифат ва ихтисосга эга бўлишнинг янги, энг замонавий суянч, таянч даргоҳлари мана шундай барпо бўлаяпти.

«МТ» ЎЗ МУХБИРИ

ИНТЕРНЕТ ҚАШШОҚЛАРГА ЁРДАМ БЕРАДИМИ?

БМТ Тараққиёт Дастури ва Интернетнинг катта ҳомийларидан бири бўлган «Сиско системз» фирмаси қашшоқликка қарши кураш учун ҳамкорликдаги тадбирларини эълон қилдилар.

Шу йил 9 октябр куни Ню-Жерсидаги «Жайэнтс» ўйингоҳи, Лондондаги «Уэмбли», Женевадаги опера театри саҳналаридан Интернет орқали бир хил вақтда дунёнинг машҳур хонандалари иштирокидаги оламшумул концерт дастури трансляция қилинади. Ушбу «Нет эйд» деб номланган концерт томошабинларининг сони бир миллиарддан ошиши кутилмоқда.

БМТ нинг Ню-Йоркдаги штаб-квартирасида ўтган тақдимотда БМТ Тараққиёт Дастури (БМТТД) администратори Жеймс Густав Спетнинг билдиришича, бу БМТ-ТД нинг катта корпорациялар доирасида биринчи ҳамкорлик тажрибасидир. Ушбу тадбир (у «Нет эйд» деб номланди) ривожланаётган мамлакатларнинг қашшоқликка қарши кураш майдонларида одамларнинг кенг ахборотга эга бўлишларига кўмаклашади ва бунинг учун жуда ҳам зарур маблағларни ажратиш имконини беради, деб таъкидлайди Жеймс Густав жаноблари. Энг муҳими, бу билан тадбир ташкилотчилари Интернет равнақи билан шуғулланувчи компаниялар, маданий ҳордиққа хизмат қилувчи ташкилотларнинг диққат-эътиборини қашшоқликни тугатишга тортади.

«Сиско системз» вакилининг фикрича, қашшоқликни тугатиш учун курашда Интернет ҳамиша етакчи рол ўйнашга қодирдир. Айни пайтда бу компания БМТТД-нинг махсус электрон варақаларини ишлаб чиқишга киришди, унда қашшоқликка қарши кураш ҳақида ахборотлар ва шу эзгу ишга доир фаолиятлар ёритилади.

ҚАРЗ ҲАҚИДА

Афкор дурдоналари

Мен жангу жадаллар олови ичида қолиб кетганман, баҳайбат харсанг тошларни у ёқдан бу ёққа думалатганман, аммо қарздан мудҳишроқ нарсага дучор бўлмаганман.

(Афлотун)

•

Бенамозга қарз берма, гарчи у ночор аҳволда бўлса-да, негаки Худонинг қарзини қайтармайдиган кимса сенинг қарзингни тўлармиди?

(шайх Саъдий)

•

Инсон ҳаётида уч нарса айниқса мудҳишдир, ўлим ваҳимаси, касал ҳуружи ва қарз залолати.

(Абу Али ибн Сино)

•

Қарз шундай меҳмонки, бир келса, уни ҳайдаб чиқаза олмайсан.

(Прем Чанд)

•

Қарз олиб кемага миниб қирғоққа етгандан кўра денгиз уммонларида ғарқ бўлган афзалдир.

•

Қарз олмагин ва бермагин ҳам, негаки қарз берсанг, ҳам пулингдан, ҳам дўстингдан айриласан, қарз олсанг, турмушингнинг баракаси кетади.

(Вилям Шекспир)

•

Кимда-ким қарз сўраш ва хушомадгўйлик қилиш нималигини билмас экан, демак, у энг бадавлат ва бахтиёр инсон экан.

(Рожерс Бэкон)

Тўпловчи:
Шароф МИРЗАЕВ

САВОЛЛАРИМИЗГА ЖАВОБ ТОПДИК

Киночилар уйида ажойиб тадбир бўлиб ўтди. Мусиқамиз дарғаларидан профессор Илёс Акбаровнинг 90 йиллик таваллудларини нишонлаш учун домланинг қариндош-уруғлари, шогирду ҳамкасблари, ёру биродарлари даврага йиғилдилар.

Илёс Акбаровнинг мактаб ўқувчилари учун ёзган мусиқа ва ашула дарсликлари бизнинг болалигимизнинг нурли бўлаги, мусиқага оид илмий-назарий рисолалари, тадқиқот ишлари, сермаҳсул фаолиятлари миллий маданиятимиз, фанимиз тарихидир.

Кечада қатнашар эканмиз, доимий ҳайратимиз, фахримиз, ҳурматимизга сабаб бўлган кўплаб саволларимизга жавоб топдик. Устоз композитор мутараққий фикрлари, санъат, фанга фидойиликлари, инсоний меҳрлари илдизларидан воқиф бўлдик.

Ирода НАРИМОНОВА

Табиат мувозанати

ҚУЁШ ВА ШАМОЛ ҲАМКОРИМИЗ

Биз яшаётган олам ўз мувозанати ва қонуниятлари билан тирикдир. Энергия, қувват, ҳаракат — борлиқ ҳаётининг давомийлигини таъминлайди. Инсоният шу энергия манбаларининг истеъмолчиси. Лекин бу манбаларнинг бари тубсиз қудуқ эмас. Олимларнинг фикрича, ёқилғи ресурслари тўхтовсиз қазиб олинаверса, келаси асрнинг ўрталарида бу заҳиралар тугайди. Бундан ташқари энергиянинг шу пайтгача қўлланиб келинаётган анъанавий турлари атроф-муҳитга, кишилар соғлигига таъсир этиб, турли-туман экологик муаммоларни келтириб чиқармоқда. Бироқ энергия манбаларисиз кишилик ҳаётини тасаввур қилиб бўлмайди. Демак олимларнинг олдида унинг биз учун янги турларини топиб, ҳар томонлама, айниқса экологик нуқтаи назардан ўрганиб ҳаётга тадбиқ этиш вазифаси турибди. Дунё олимлари бу йўлда мунтазам, илмий-амалий изланишлар олиб боряптилар.

26 апрел куни Ўзбекистон Фанлар Академиясининг электроника институти мажлислар залида «ЭКОСАН» Тошкент клубининг аъзоси, техника фанлари доктори, академик Жўра Абдуллаевнинг «Қайталанувчи энергия манбаларидан фойдаланишнинг ҳолати ва истиқболи» мавзусидаги маърузаси тингланди. Маруза юзасидан муҳокамани «ЭКОСАН» Тошкент клуби президенти Юсуфжон Шодиметов бошқариб борди. Қуёш ва шамол энергиясидан фойдаланишнинг аҳамияти, унинг илмий асослари таҳлил қилинди. Қуёш ва шамол генераторларининг техник-иқтисодий кўрсаткичлари, улардан ишлаб чиқаришда фойдаланиш асослари бунда юз фоиз экологик тозаликка эришиш имкониятлари устида батафсил тўхталди. Мамлакат эҳтиёжларидан келиб чиқиб, ўз маблағларини таклиф этаётган халқаро фондлар, инвесторлар ва ташкилотлар ёрдамида Ўзбекистоннинг турли минтақаларида 10 та намунавий қурилмаларини яратиш таклифини киритди.

Муҳокамада сўзга чиққан олимлар маърузада илгари сурилаётган таклифларни истиқболли иш сифатида баҳоладилар. ЎзФА ҳақиқий аъзоси Мухтор Саидов бу янгиликни қўллаб-қувватлаган ҳолда, уни тадбиқ қилиш жараёнида келиб чиқиши мумкин бўлган баъзи бир масалалар, хусусан энергия манбаларидан фойдаланиш қурилмаларини яратишда химиявий элементларнинг атроф-муҳитга таъсирини ҳам ўрганиш, таҳлил қилиш зарурлигига диққатни жалб этди.

Табиийки, тараққиёт кутиб турмайди, у биздан аср муаммоларига тенгма-тенг ҳаракатчанлик, илгарилашни талаб қилади.

Илмий йиғилиш маруза, олимларнинг чиқишларида илгари сурилган масалалар юзасидан республика ҳукуматига муайян таклифлар билан чиқишга қарор қилди.

Д. МАТКАРИМОВА

Замон бунёдкорлари

КЎККА ТУТАШМОҚ СИРИ

Ҳаётни, жамият тараққиётини бунёдкорлик қурилишларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Қурилиш бор жойда бурилиш бўлади, дейдилар. Саноат корхоналари, замонавий моделлардаги тураржой бинолари, аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш муассасалари жаҳон андозаларида бунёд этилаётир. Табиийки, бу данғиллама, кўк ўпар бинолар қад кўтариши учун қурилиш материаллари зарур. Ҳозирги кунда республикамизда қурилиш материаллари танқислигини бартараф этиш борасида юртбошимиз Ислом Каримов саъйи ҳаракатлари билан талайгина ишлар амал кўраяпти.

«Шовот» ғишт заводи ишчиларининг фидойилиги туфайли биргина Шовот туманигагина эмас, Хоразм вилояти, Қорақалпоғистон Республикаси қурувчиларига ҳам сифатли, пишиқ ғишт етказиб берилаяпти. Заводда ҳар куни тонг саҳардан то шом қоронғусигача навбатда турган машиналар тирбанд бўлади, талабгорлар жуда кўпда. Юк машиналарининг барчаси ўтдай қайноқ хазинадан юки тўлиб чиқади. Бу ерда 227 ишчи меҳнат қилади. Печ ва қурилиш цехлари узлуксиз ишлайди. Заводда иш 3 сменада ташкил қилинган. Оғир ва ҳаяжонли меҳнат жараёни кечаси-ю кундузи давом этади. Ишчилар ёзлик ва қишки махсус кийим-кечаклар билан таъминланган. Шунингдек, завод ошхонаси муттасил хизматда. Фидокор ишчиларга, элим деб юртим деб ёниб ишлаётган шукуҳли замон бунёдкорларига ҳар куни бепул, сифатли овқат тайёрлаб берилади. Заводда ишчиларнинг кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари, маданий дам олишлари учун қулайликлар муҳайё. Клуб, дам олиш хоналари, радио, телевизор, ювиниш хоналари намунали ишлаб турибди. Ишчилар ойлик маошларини ўз вақтида оладилар.

Кираверишда завод дарвозаси пештоқига йирик ҳарфлар билан ёзилган «Гапнинг бош ассалом, ишнинг боши интизом» ёзувини ўқийсиз. Бу асло хўжакўрсинга эмас. Иш жараёнларини, ишчиларнинг бир-бирига ва ишга бўлган муносабатларини кузатсангиз, бунга амин бўласиз. Завод директори Матқурбон Маткаримовдан тортиб, бош муҳандис Қорибой Машарипов, ишлаб чиқариш бошлиғи Бахтиёр Солаев, смена бошлиқларигача — барчаси ишчилар билан ўзаро ҳурмат-иззат доирасида муомала қиладилар, уларни қадрлайдилар.

Печкаш Азимбой Отаниёзов ва Ёқуббой Ражабов, қуритиш цехи фидойиси — завод қурилиб ишга туширилгандан буён (1989 йил 2 феврал) меҳнат қилиб келаётган азамат ишчи Карим Раҳматов ва бошқа илғорлардан барча мамнун. Меҳнат қилган элда азиз деганлари шуда.

— Ниҳол ҳам бир жойда камол топади, — дейди биз билан суҳбатда Карим Раҳматов, — завод ишга тушгандан бери шу ердан ҳеч ёққа жилганим йўқ, енгил иш истамадим. Шу даргоҳда меҳнат қилиб кам бўлмадим. Завод раҳбарларининг ғамхўрлигини ҳар онда сезиб турамиз.

Заводда имони пок, меҳнатга эътиқодли ишчилар кўп. Юртбошимиз айтганидек, «Келажакни жасоратли одамлар қуради». Завод ишчилари ҳам ана шундай келажак бунёдкорларидан. Шу боис бу ерда маҳсулот ишлаб чиқариш миқдори ва сифати йилдан-йилга ошиб бораяпти. Рақамлар сўзлайди: 1997 йилда 61 млн. 2 минг сўмлик ялпи саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилган бўлиб, тайёрланган пишиқ ғишт 19 млн. 875 минг донани ташкил этган эди. 1998 йилда эса 83 млн. 931 минг сўмлик ялпи саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилди. Пишиқ ғишт ишлаб чиқариш 19 млн. 879 минг донага етди. Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳам ошди. Даромадига қараб буромад, дегандек ишчиларнинг ойлик маоши ҳам кўпайиб боряпти. 1997 йилда ҳар бир ишчининг ўртача ойлик маоши 4 минг 983 сўмни ташкил этган бўлса, 1998 йилда ойлик маош 7 минг 90 сўмга тўғри келди. 1999 йил режалари янада катта. Бу йил жами 91 млн. 500 минг сўмлик саноат маҳсулоти тайёрлаш режалаштирилган. 18 млн. 600 минг дона пишиқ ғишт ишлаб чиқарилади... Саъй-ҳаракатлар эса қизғин.

Завод маҳсулотларини истеъмолчилар, халқ тили билан айтганда, ерга тегизмай олишаяпти. Бу маҳсулот сифатининг талаб даражасида эканлигидан далолат беради. Юқорида тилга олинган рақамларни кўтараётган ишчиларга завод маъмурияти зарур бўлган моддий-маънавий ёрдамларни бериб боради. Шу билан бирга, фахрийларга, афғон жанглари қатнашчиларига ҳам моддий кўмак берилади, рағбатлантирилади. Янги оила қураётган ёшларга ҳам гиламлар ва бошқа уй жиҳозлари (бепул) совға қилинади. Заводнинг «Газ-24» енгил автомашинаси келин-куёвлар хизматида бўлади. Янги иморат тикламоқчи бўлган завод ишчиларига ғишт, гилам ва бошқа зарур нарсалар берилади, техника хизмати кўрсатилади.

Бу тадбирлар завод жамоаси ўртасида оғзибирчиликни, ишчиларнинг бир ёқадан бош чиқариб ишлашларини таъминлаяпти. Инсон қадр-қиммати ва унинг меҳнати улуғланган жойда самара ва муваффақият бўлаверади. Буни биз Хоразм вилоятининг Шовот туманидаги «Шовот» ғишт заводи мисолида ҳам кўрдик, сизга хайрихоҳлигу ҳавас ва ҳаяжон ила ҳикоя қилдик.

Ажабо, тупроқни ўтлаб ғишт тайёрлайдилар, ердан осмон қадар тикланган бинолар шундан, Юксаклик ўтлиғ меҳнатдан, меҳнат қадридан яралади. Ердан кўкка туташмоқ сири шудир балки.

Раҳим ОТАХОНОВ

Шовот

«АРМОНИМ... — БУХОРО»

«Файзулла Хўжаев амакиваччам эди»

Инсон. Истиқлол. Тақдир.

1996 йил ёзи. Файзулла Хўжаевнинг 100 йиллик тўйи тараддудида эдик. Гарчанд нуфузли одамлардан эшитган эсак-да, дафъатан бир хабарга ишонқирамай турардик. Елғонлардан тўйиб, нарига ўтиб кетганимизданми, аллақачон ўзимизча хулоса ҳам чиқариб қўйгандик:

— Шунча вақт бир бурчакда яшаган бу одам, Файзулла Хўжаев кўтар-кўтар бўлаётганини кўриб, қариндошлик даъво қилаётган бўлса ажабмас... Ҳамза Ҳакимзоданинг меросхўрлари қидирилаётган вақтда сохта қариндошлари шунақа кўпайиб кетган экан. Файзулла Хўжаевнинг бу айтилаётган қариндоши эса унинг ватани Бухорода ҳам, Тошкентда ҳам, қизи сургун қилинган Мирзачўлда ҳам эмас, нақ Водилда-я...

...Водилнинг қоқ ўртасидан оқувчи Шоҳимардонсойни ёқалаб кетган йўл Каримхўжа тоға хонадонига олиб боради. Камсуқумгина ҳовли-жой, шунга яраша турмуш. Яқин кунгача водилликлар Карим аканинг асли бухоролик эканини, тақдирнинг тақозоси ила водиллик Ҳакимахонга уйланиб, шу ерда кўним топганини билишарди. Шунингдек, Карим Хўжаевични водилликлар «Звёздний» лагери бунёдкори, беминнат хизмати кўп жойларга сингган инсон сифатида ҳам танишарди.

Бир кам тўқсонни қоралаган отахоннинг руҳи-ахволи ҳам ёшига яраша. Уруш жароҳатлари туфайли чап оёғи ҳаракатдан қолган, ўғли Улуғхўжанинг кўмагисиз ўрнидан туролмайди. Бахтига дуварак мевалар монанд фарзандлари бор. Эллик ёшда топган кўз қаролари, дунёга келиб орттирган давлати — болалари...

Яримжон кекса инсон хотиралари қатини ёзмоққа тиришаман. Унинг сўниқ, кўзларида шубҳа учқунлагандай, қуришган лабларидан ботиний эътирозлар отилиб чиқаётгандай: «Ҳа, сенга ёзиш жуда осон. Менинг эса қисмат аталмишнинг шўришларидан юрагим нимта-нимта бўлиб кетган...»

«БУХОРОДА БИР КЎЧА БОР, КОКИЛИ КАЛОН»

«Отамни Ғаффорхўжа дердилар. У киши Файзулла Хўжаевнинг отаси Убайдулла Хўжаевга ука бўлади.

Кўчамизнинг номи Кокили калон эди. Ҳовлимизга кўз етмас, 10 гектарлар келадиган боғ-роғ, жаннат эди. Анорзор, анжирзор, нокзор, беҳизор, шафтолизор, қўйингки, ҳамма мевадан бир гектардан. Меваздан кейин растараста узум, 20 га яқин тури бориди-ёв. «Беҳишти», «Каттақўрғон», «Келинбармоқ», «Чилги»...

Отамнинг беш хотинлари бўлиб, мен тўртинчисидан дунёга келганман. Онам кўз ёришда қийналиб вафот этгач, Катта бувимнинг (отамнинг энг катта хотинлари) қўлларида ўсганман. Ҳамон эсимда, у кишини «бувижоним» деб чақирардим. Бувижоним еру-кўкка ишонмай, пуф-пуфлаб катта қилди. Бешовидан беш фарзанд Сатторхон, Раҳимхон, Шукурхон, мен, Мушаррафхон — худди бир она болалари сингари аҳил-иноқ эдик. Гоҳо-гоҳо файтунимизга ўтириб, амакимникига меҳмонга борардик. Эсимни таниган пайтларда Файзуллахон кўркам йигит эди. Амаким қоракўл тери савдоси билан шуғулланганлиги учун ўғлини тез-тез чет элларга юборib турарди. Файзуллахон рус тилида қойилмақом қилиб гаплашар, бундан ташқари яна тўрт-беш тилни биларди.

Катта акам Сатторхўжа Файзуллахон билан бирга ишлар, юмуш чиқиб қолса, унинг ёнига мени юборарди.

Уйларини айтсам, э, Ситораи Моҳи Ҳосани кўрибмидингиз? Худди ўшанақа чиройли, ҳашаматли бинолар, ичкари безакларини томоша қилиб тўймасди киши. Ҳовлиларининг бир четида мусофирхона бўларди. Бу хонада кўчадаги ғарибу ғураболарни ҳар куни чақириб овқатлантирардилар, мусофирлар ҳам шу ерда турарди. Файзуллахон жуда раҳмдил, меҳрибон йигит эди. Беш вақт намозни канда қилмаган, хоҳ бойдир, хоҳ камбағал-мусулмон биродарига меҳр-мурувватли бўлади-да.

Кейин инқилоб бўлди. Бизни ҳақсиз қилдилар. Инқилоб деганда кўз олдимизга Бухоронинг даҳшатли равишда бомбардимон қилингани келаверади...

«1920 йил август ойининг сўнгги кунларидан бирида Бухоро яқинидаги Когон станциясида ўнга яқин самолёт шайлаб қўйилди. Чоржўйдан махсус авиаотряд олиб келинди...

...Замбараклар дарвозаларни ва яқин-атрофдаги аҳоли яшайдиган мавзеларни вайрон қилаётган бир пайтда авиация аҳоли ва Амир армиясига даҳшат солибгина қолмасдан, ваҳимадан эси оғиб қолган аҳоли тўпланган, гумбазлар ва мачитларга бомбалар ёғдирди. 20-йилларда Бухоро аҳли учун самолётларнинг пайдо бўлиши дўзахдан, қиёмат қойимдан бўлак нарса эмас эди.

Авиация қўмондони бензин ва бомба тугагунга қадар шаҳарни бомбардимон қилиш ҳақида буйруқ берди». (Ражаббой ота Турк. «Адолат гувоҳлиги» мақоласи, «Мулоқот» журнали, 1991 йил 10 сон).

«МЕНИ ОЛИБ КЕТИШДИ...»

Инқилоб Бухорога ана шу тариқа кириб келди. 1924 йилда Каримхўжани бухоролик ёш-яланглардан бир гуруҳига қўшиб, Москвага ўқишга олиб кетишди. Уларнинг орасида Амир Саййид Олимхоннинг ўғиллари ҳам бор эди. «Болшевиклар Бухоронни эгаллагач, биз ўқишга кетдик. Катталарни Москвадаги заводларга ишга олишди. Раҳимхон акам Зарайскдаги заводда слесар бўлиб ишлай бошлади.

Биз москвалик бир бойнинг ҳовлиси — Спридоновский 17-да турардик. Рабфакда ўқишни ота-оналарнинг норозилиги туфайли қисқартиришди. Биз энди бир йилда бир йўла тўрт йиллик программани ўқирдик. Бирор минут бўш вақт бўлмасди. Ҳатто тушларимда ҳам русча сўзларни ёдлаётган бўлардим. Ҳар ёз Москва-Ашхобод поездига ўтириб, соғинтирган Ватанимизга каникулга келардик».



Рабфакни тугатгач, САГУнинг химия факултетига ўқишга кирди. Каримхўжа Чуст районининг минерал сув манбаи мавзуида диплом иши олган, шу боис тез-тез Наманганга келиб турар, баҳонада гўзал водийнинг бошқа вилоятларига ҳам саёҳат қиларди.

Машъум 1937 йил. Университетни битирган К. Ғаффоров мактабда ўқитувчилик қиларди. Акаси Сатторхон бу пайтга келиб тўрт фарзандли бўлган, банкда бошқарувчи бўлиб ишларди. Каримхўжа акаси билан бирга турарди. Тошкентдаги Лермонтов кўчасининг бошида Файзулла Хўжаевнинг уйи. Сатторхўжанинг ҳовлиси эса пича ичкарида эди.

Ёз ойлари эди чамаси. Ака тонг ғира-ширасида унинг деразасини тақиллатди. «Қама-қама» авжига чиққан пайтлар эмасми, Каримхўжанинг юраги «шиғ» этди. Пардани кўтариб қарайдики, акаси бир афтодаҳол, бошини ҳам қилганча турибди.

— Тинчликми, ака?

— Ўзинг ҳамма нарсани кўриб турибсан. Ярим тунда Файзуллани «олишди». Ҳадемай менга ҳам келиб қолишади. Келинбувинг, сингилларингни сенга, сени худога топширдим. Энди нима бўлишини кўрасан-да.

Каримхўжа бирор нарса дейишга улгурмай эшик тақиллади-да, ҳовлига икки НКВД ходими кириб келди. Кийиниб тахт бўлиб турган, ҳовлининг у ёғидан — бу ёғига юриб сигарет чекаётган Сатторхўжага қараб:

— Машинага чиқинг, — дейишди.

Акасини сўнгги бор кўраётганини кўнгли сезган Каримхўжанинг томоғига бир нарса тиқилди. Унинг орқасидан чиқиб, нимадир демоқчи бўлар, лекин жўяли бирор гап тополмасди.

Келинбувининг йиғидан қизарган кўзлари аллақачон ҳамма ишдан хабардорлигини англатиб турарди. «Халқ душмани» тамғаси босилганларнинг хотин, бола-чақалари, яқинлари учун ҳам омонлик йўқ эди. Келинбувининг қарашлари, туриш-турмуши савол аломатига айлангандай: «Энди нима бўлади? Энди нима бўлади?».

Шу куни Файзулла Хўжаевнинг қизи Вилоятни Мирзачўлга сургун қилишганини эшитишди. Бу хабардан Каримхўжанинг юрагини олмос кесгандай бўлди. Чунки Вилоятни унга бешиккерти қилиб қўйишган, ойдин келажакнинг ёруғ юлдузи монанд орзуларини йигит Вилоят номига боғлаган эди. Энди эса умидларининг, орзуларининг ёруғ юлдузи йўқ, унга етар йўллар берк, тақа-тақ берк.

СИБИРГА СУРГУН

Эртаси тун билан тонг оралиғида НКВДнинг усти ёпиқ машинаси яна Сатторхўжанинг дарвозаси ёнида тўхтади.

— Укажон, мани Сибирга сургун қилишаркан, — пастгина бўйли, нозиккина келинбувиси бу гапни «қўшниникига кириб чиқай» дегандай оҳангда айтмоқда, чамаси бунга ўзи ишонмасди. Ахир, умри тўрт бола, рўзғор юмушлари билан ўтган ўй аёли сиёсий қўпорувчиликни қаёқдан билсин. «Сиёсий қўпорувчилик», «халқ душмани» деганлари ўзи нима, дерди бу содда аёлнинг болаларига меҳр-муҳаббат билан тўлган кўзлари. НКВД ходимларидан бири соатига қараб қўйди. Аёл болалари ётган уйга кириб кетди. Муҳаббатхон, Муҳаррамхон, Мунирахон, Моҳирахон... уларни уйғотиб қўймаслик учун кўз ёшларини артиб аста-аста ўпди. Кенжатойига тикилиб турди. Кеча дадам келмаяпти, деб чакана йиғладими?! Энди буларнинг тақдири нима бўлади? Эй художон, қайси гуноҳларимиз учун шунча кўргулик?

Муҳаббатхон уйғониб кетди. У рабфакда ўқир, ҳамма гапдан хабардор эди.

— Сингилларингга эҳтиёт бўл, қизим, ҳали улар жуда ёш. Яхши ўқинглар, яхши одам бўлинглар, — она қизини бағридан бўшатгиси келмай ушлаб турди-да, сўнг уни кутиб турганлар ёнига чикди. Кичкина жуссали, нозик аёл ва кичкинагина тугунча... Дарвоза ёнига етганда охирги бор ортига ўгирилди. Каримхўжа унинг аҳволига чидолмай поймол бўлиб деворга бошини қўйганча турарди.

...Келинбуви тўрт йил деганда қайтди. У тинмай соч тарагани-тараган, бошини сарак-сарак қилгани-қилган эди. Бамисли соқов бўлиб қолганди, тўрт йил деганда бегуноҳлиги аниқланган бечоранинг. Бу орада Муҳаббатни турмушга узатишди. «Халқ душмани»нинг укаси сифатида ҳуқуқлари чегараланган Каримхўжа акасининг кичик қизларига ота-она йўлида эди.

Уруш даври ҳақида сўз очдим, ота сўлғин нафас олди.

— Қўйинг, қизим, шу урушни! Ўз одамларимиз кўрсатган хўрликлар олдида уруш нима деган гап! Тўрт йил урушдим, ярадор бўлдим, орден-медаллар олдим.

Урушда яралангач, уйга жавоб беришди. Тўғри Бухорога жўнадим. Отам раҳматлининг боғлари, уй-жойларимиз ўзгаларники бўлиб кетганини билардим. Лекин юрагим негадир мени Кокили калон маҳалласига, болалигимнинг ва эҳтимолки, ҳаётимнинг энг бахтиёр кунлари ўтган қадрдон ҳовлига тортарди. Таниш дарвозани аста тақиллатдим. Бир аёл очиб, сенга нима керак дегандай ўқрайди.

— Бир пайтлар бу ҳовли бизники бўлган, ичкари киритсангиз, онам руҳига Қуръон ўқиб қўйсам...

Аёл гапимни тугатишимни ҳам кутмай юзимга эшикни ёпди. Оҳ, ўша дамдаги хўрлик! Биров устимдан қайноқ сув қуйиб юборди, гўё. Солдат шинели этагини силтадимму, кетдим Бухородан».

Замонанинг зайли дейсизми, тақдирнинг тақозосими ёки қисматми Каримхўжа тоға Фарғонага келиб қолди.

АРМОН БУХОРО...

Ҳакимахон билан оила қурдилар. Аммо пешонанинг шўрлигини қарангки, кенжалари Улуғхўжа энди тўрт ёшга кирганда она вафот қилди. Қобилажон-тўнғичи эндигина 11 ёшга кирган. Укалари бари ёш. Рўзғор аталмишда аёлнинг ўз ўрни борки, уни аёлдан ўзга ҳеч ким тўлдира олмайди. Қобилажон кир ювар, овқат пиширар, аммо тандирга бўйи етмасди, оғирроқ ишларни қилишга ҳали нозик.

Дунёда яхшилар бор бўлсин! Улар борки, умидлар яшайди, яхши ният, тилаклар яшайди. Ҳакимахон раҳматли оламдан кўз юмиш арафасида опа-сингилларига шундай васият қилган эди:

— Болаларим жуда ёш қоляпти, уларни бегоналарга бериб қўйманглар. Ўзларинг катта қилиб, ўзларинг келин қилинглар. Поччанг кўнгил деса, битта-яримтага уйланар, болалар деса, шу ғарибга ҳам қарарсизлар.

Асалхон опасининг ўгитларини унутмади, саккиз болам 12 та бўлди, деб Қобилажон, Комилажон, Каримажон, Улуғхўжани ўз бағрига олди. Ризқи далаларга сочилган эрхотин Асалхон опа ва Жўравой ака Рўзиевлар колхозчининг гапиришга арзимас маоши билан 12 болани тарбиялаб вояга етказишди. Болаларга ўгай она қисматини раво кўрмаган поччасига ҳам омонатгина бошпана тиклаб, ёнларига кўчириб келтиришди. Асалхон опа бош-қош, Жўравой ака, Карим Хўжаев бақамти 7 қиз чиқариб, 5 ўғил уйладилар. Бу айтмоққагина осон. Эл-юрт олдига 12 марта дастурхон солиб, тўйга чорлаш... 20 жонни муросаи-мадора қилиб, иноқиттифоқ олиб ўтириш... Бу инсонларнинг юраги шунчаям дарё бўлмаса!

Қисматлар, пароканда тақдирлар... Улар ҳақида ёзиш осондай. Идоранинг деразасидан тиниқ, мовий осмонга завқ ила боқасан. Сув томчилари атрофга марвариддай сочилаётган фавворага марок ила тикиласан. Суюкли қўшиқ оғушида қанотланган кўйи майизакка айланаётган ўрикка боқиб, ёзмакка шайланасан...

Чунки буларнинг бариси кўнглингга сиғади.

Яратганнинг иноятн — эрк ва озодлик сипқораётган кўнглингга сиғади.

...Ёш бухороликлар вакилларидан бўлмиш Файзулла Хўжаев Колёсовдан мадад сўрагани ва жангу-жадалларда Ф. Колёсов қўшини минглаб бухороликлар, мусулмонларни қиргани — тарих. Ва ўзи мустаҳкамлаш учун курашган давлат Файзулла Хўжаевни олий жазо — отувга ҳукм этганда, у:

— Мен нақадар оғир жиноят қилиб қўйганимни тушундим... — дегани ҳам тарих.

Киндик қони тўкилган юртига сиғмаган Каримхўжанинг хотира дафтаридан ўчиришга интилган кўргуликлари — тарих.

Умрининг тўрт йилини совуқдан-совуқ, номининг ўзи кўркинч уйғотувчи Сибирда кечирган келинбуви ҳаётининг сенга ноаён, мудҳиш саҳифалари — тарих.

Зеро, сен эркин қушсан. Қанотлари қайрилмаган, орзу-умидлари бўғизланмаган, Озод Ватаннинг гўзал тонгларини кўришга интиқ, озод қуш.

— Анови фалончи бойнинг уруғи, қулоқ қилиш керак, — дея қўшниларгина эмас, қариндошларинг ўзагингни узган замон ўтди-кетди.

Фалончи мулла Қуръони каримни хатм қилган, у советнинг душмани. Токча деворига эскича китобларини териб суваётганини ўзим кўрдим, қамаш керак уни, — дея висирлаб, уни ажалнинг ўқига дучор қилган замон ўтди-кетди.

Бу кўзинг, у кўзингни
ўяман деган,
Жаҳолат имонни
кўмиб ташлаган,
Ўғил отасига, ака
укасига душман
бўлган Замон!
Миллионларнинг бошини
еса-да, ўзига
ўт тушмаган,
Миллионлаб тақдирлар
пешонасига шўр
суркаса-да ўзи омон
— замон!

— эди у кунлар.

Кўзларга кўрқув тўлдирган, юракларга ҳадик солган, жисму жонингни таҳликага қўйган замон ўтди-кетди.

Одамлар ўтди.

Қай гуноҳи учун отилаётганини билолмай кетди улар.

Қайси қўпорувчилиги учун тақдири пароканда бўлаётганини англолмай кетди.

Она халқига, ўзи садоқат билан хизмат қилган азиз халқига қандай душманлиги бўлиши мумкинлиги ақлига сиғмай кетди.

Қалби яралардан бири Каримхўжа Ғаффорхўжаевдан армонлари қат-қат эканини билсам-да, сўраб эдим:

— Армонингиз борми?

— Армоним — Бухоро... — деб эди раҳматли.

Маҳфуза УСМОНОВА
Фарғона



Кўрк очмокда она юрт жамоли

Турмуш тўлқинлари

«УРИШ»НИ КИМ БОШЛАЙДИ

Халқимизда «Эр-хотиннинг уриши — дока рўмолнинг қуриши» деган гап бор. Бу нақлда ҳикмат кўп. Лекин эр-хотин ўртасидаги жанжални аксар ким биринчи бўлиб бошлайди?

Айова штатидаги университет профессори Стов Дагнинг аниқлашича, эр-хотинлар чоршанба куни кўпроқ уришар эканлар. Олим бунинг сабабини топа олмади. Лекин руҳшунос Хамбарг эр-хотин жанжали сабабини аниқ айтади. Ҳар учта жанжалнинг иккитасини хотинлар чиқаришади.

Ҳамма гап шундаки, аёлларнинг хотираси эркакларникига қараганда кучлироқ бўлади. Эр кеч келса, хотин аччиғи чиқиб, заҳрини сочади. Шу билан бирга буни ҳеч эсидан чиқармайди, дилида сақлайди. Янаги сафар эр яна кеч келганда юзига солиб, можаро ўтини аланга олдиради. Ўн йил илгариги гап-сўзлар ҳам хотинлар ёдида тип-тиниқ сақланади. Улар ҳеч нарсани унутишмайди.

Шунинг учун ҳам эркаклар эҳтиёт бўлишсин. Катта душман ҳам, меҳрибон дўст ҳам аёллардир. Ишонмасангиз, синаб кўринг.

ЖАҲЛНИ ЖИЛОВЛАШ

Ҳаёт ташвишларида юрган азиз биродар! Сизга сўраб-суриштириб, ўқиб-ўрганиб топган маслаҳатларимни айтгим келади. Турмушда нималар бўлмайди, дейсиз? Вақти келадики, бир гап билан кенжатой набирангиз ҳам сизни бир бурчаққа «суқиб» қўйиши мумкин. Ёки бир бадмастга тасодифан рўбарў келиб қолганингизда юрагингизнинг уриши бир неча баробарга ортиб кетади бирдан.

Ҳаётда бўлиб турадиган ҳаяжонланиш, ғазабланиш, жаҳлдорлик аломатларини йўқотиш борасида жуда кўп олимларимиз, руҳшуносларимиз тадқиқот олиб борганлар. Бироқ жаҳл... ҳаммада бор ва йўқолмайди.

Бир руҳшунос олим «Ғазабнинг олдини олиш учун ҳали дори-дармон кашф этилган эмас» — дейди. Бироқ тинчлантирувчи дори ичасиз, у эса вужуднинг бошқа аъзоларига оғирроқ таъсир кўрсатади. Унга одатланиб қолиш ҳам мумкин. Ҳар қалай ҳар қандай доридан эҳтиёт бўлган тузук.

Бошқа манбалардан ҳам ахтариб кўрдим. Жумладан ўзбек халқ мақолларида қуйидаги доно фикрларни учратдим:

ЖАҲЛ — ДУШМАН,
АҚЛ — ДЎСТ.
ЖАҲЛНИ ЮТГАН —
ЮТАДИ.
АҚЛИНГГА АҚЛ ҚЎШ,
ЖАҲЛИНГГА САБР.

Пайғамбаримиз ҳадиси: «Сизлардан бирингиз ғазабланганида тикка турган бўлсангиз, ўтириб олинг. Шунда ҳам ғазаб кетмаса, чўзилиб ётиб олинг».

Руҳшунос олим Сайгили ёзади: «Энг таъсирли чора, ғазаб ўта шиддатли бўлса, ҳолатни ўзгартириш учун вужудни совуқ сув билан ювмоқликдир. Сувда фараҳлик бергувчи ва тинчлантирувчи хусусият бор».

Сарвари олам айтганлар: «Ғазаб шайтондандир. Шайтон оловдан яралгандир. Оловни фақат сув ўчиради. Сизлардан кимки ғазабланса, таҳорат олсин!».

Ўзингиз айтинг: жаҳлни жиловлаш қийинми?

Тўхтасин МИРЗАРАҲМАТОВ

ГЕОГРАФИЯНИНГ ИККИНЧИ ТИЛИ

Бугунги кунимизда ўз миллий тарихимиз ва жўғрофий кенгликларимизни ўрганишга катта эътибор берилмоқда. Кўпгина мактабларда бу фанлардан тўгараклар очилиб, махсус дарслар олиб борилаётир. Лекин, шу соҳа кишиларини бир масала ҳамон ўйлантириб туради. Бу дарслик ва қўлланмалардаги мавзуларга оид хариталар билан ишлаш ва улардан фойдаланиш имкониятига доир. Вилоятларимизнинг кўпчилик мактабларида ўқувчиларнинг аксарият қисми харита билан ишлашни мутлақо билмайдилар. Билганлари ҳам маълум мавзу асосида чекланиб қолишган.

Ўқувчилар билан суҳбатлашиб қолсангиз, улар ўқитувчилари харита билан ишлашни ўргатмаган ва умуман харитани ўқув хонасига олиб кирмаганликларини айтишади. Ўқитувчилар билан дардлашсангиз эса керакли хариталар йўқлиги, уларни сотиб олишга маблағ зарурлигини рўкач қиладилар.

Яқинда тарих факултетида ўқийдиган бир талаба билан суҳбатлашдим.

— «Сиз Ахборотнома»даги Колумбнинг Америкага 1-саёҳати қайси портдан бошланди? — деган саволга қайси манбадан жавоб топдингиз? — деганимда, талаба бу саволга маълумот дарсликда берилмаганлигини ва ўртоқларининг «жавоблар калити» асосида «Палос» тўғри жавоб деб ёдланганини айтди холос. Демак, талаба ўқувчилик даврида харита билан ишлаш ўргатилмаганлиги боис бу оддий саволга мустақил жавоб топа олмаган. Унинг жавоби 7-синфлар учун мўлжалланган «Ўрта асрлар тарихи» харитасидаги 15-расмда берилганлигини билмаган.

Тарих ва жўғрофияни хариталарсиз тасаввур этиб бўлмас. Бу фанлардан олинган билим мукаммаллиги хариталар билан амалга ошади. Зеро, харита географиянинг иккинчи тилидир.

Шухрат ТОЖИЕВ,
талаба

Ғайбуллоҳ ас-САЛОМ

АЛЛҲ ЖАМОЛ — ОЙНАЧИ ЖАМОЛИДА

9. «ДАЛИЛЛАР ТАСДИҚЛАНДИ, ЧОРА КЎРИЛДИ»...

Теледийдор бутун республикани ўзининг кўзга кўринмас ришталари, сеҳрли тўлқинлари оғушига олди... Миллионлаб кишилар «телевизор асирлари» бўлиб қолди. Мамлакатни маҳобатли телемарказдан туриб бошқариш, одамларни муайян мақсадга йўналтириш, оммани тарбиялаш имконияти пайдо бўлди. Кўзга кўринмас тасвир нурлари орқали инсонларнинг онгини ва қалбини, ахлоқ-одобини «таъмирлаш»нинг иложи топилди. Чунончи, бир муаллим ёш авлодни ўн йил ўқитиб эришган натижасини телевизор бир неча кунда чиппакка чиқазиши мумкин. Сабаби, одамзотнинг руҳияти шунга мойил. Киши ўн марта эшитганидан кўра, бир марта кўриб яхшироқ қабул қилади. Ўзаро беллашувда қулоқдан эътибори кўзнинг қўли баланд. Сидирға нутқ ирод қилишнинг таъсир кучи ойинаи жаҳоникига қараганда юздан бир ёки ҳатто мингдан бир нисбатдадир.

Режиссёр Мираббос Мирзаахмедовнинг шаҳодат беришича, мазкур жажжи кўрсатувларнинг ҳар галги чиқишларидан сўнг Ўзбекистон теледийдори (Алп Жамол) номига республиканинг турли бурчакларидан кетма-кет хатлар ёғилиб келаркан. Корхоналар, жамоа хўжаликлари, савдо ташкилотлари: «Фалон миниатурада фош этилган жиноят юзасидан текширув ўтказдик. Ҳамма далиллар тўла тасдиқланди. Омбор мудири, прораб, директор муовини ёхуд ҳисобчи «Фалончи писмадончилар» айбига иқрор бўлди. Айбдорлар ишдан бўшатилди, иш тергова (ёки судга) оширилди» деган мазмунда расмий хатлар жўнатишаркан. Сабаби, қаламга олинган иллатлар ҳаётий, таъсирчан, долзарб бўлган. Томошабинлар шингил кўрсатувларни интиқ бўлиб кутишган.

Алп Жамолнинг шингил намойишлари ҳар бири 10—15 дақиқа ҳаво силсабил қатралари (эфир вақти)ни оларди ва шу фурсат ичида «қиладиган ишини қилиб» улгурарди. Унинг оммавийлаштирилган «ички дарди» ҳеч кимни бефарқ қолдирмас, барчанинг қитиғини келтирарди. Одамлар айни бир асарни ўн марталаб кўришса-да, зерикмас, яна кўрсам, деб туришарди. Едимда, ўша шингил ҳангомалар, шунингдек, «Оталар сўзи—ақлнинг кўзи»да ҳам минг-минглаб томошабинлар, ўрнига қараб, йиғлаб туриб кулишар, кулиб туриб йиғлашарди.

10. «МЕН — СЕН, СЕН — МЕН»

Тасаввур қилинг, азиз муштарий. Бир ижодкор, қалам соҳиби сифатида, ўзини излайди... Аввал маълум ва машҳур бахшига мирза бўлиб ёлланади. Булоқ сувидай шаффоф халқ оғзаки ижоди сирларини ўрганади. Табиий, содда, бой жонли тил манбаларига яқинлашади. (Бора-бора ўзи ҳам бахши табиат, бахши келбатли таниқли адиб бўлиб етишуви бежиз эмас). Сўнгра ўзини тарошланган адабий тил «корхона»сига уради. Қабиҳ мустабид сиёсат совун кўпигидай кўпириб ётган матбуотдан ўбдон зада бўлиб, мусаффо илм-фан қучоғига отилади. Фан кошонасидан ҳам кўнглига сиғадиган тоза муҳит тополмай, оғзидан гуллаб қўяди ва ҳафсаласи пир бўлади. Англаб етадики, собиқ Шўролар замонида «ҳамма жойда бир хўроз» — нутқ билан амал айру. Бор-е!.. дейди-ю, баридан этак қоқади-да, боши билан бозорга шўнғиб кетади... Паттачилик қилади. Ўн йилдан сўнг, боя айтганимдай, бир аччиқ қисмат тақозоси билан, Тоғдай армон оғушида Катта ижод бағрига қайтади. Инчунин, босиб ўтилган ҳаёт йўлига эътибор қилинг: фолклор — матбуот — илм-ирфон... — ... бозор-ойнаи жаҳон. Интилганга толе ёр. Ҳаммаси рисолагидай. Фақат... Бу силсиланинг биргина «ғалати жиҳати — бозор». Бадиий ижод билан савдо-сотиқ ишлари, ўт билан сувдай, бир-бирига қойим эмас.

Аслида эса!... Ўзини машаққатли бадиий ижодга чоғлаган адиб учун бозор ҳечам «номус қиладиган жой» эмас, балки ўзига хос ижодхона, таъбир дуруст бўлса, «ижодий лаборатория». Бозор муносабатлари — инсоний муносабатлар тобланадиган ноёб қадриятлардан саналади. Ўзининг соф инсоний-биллурий ва қаллобликлари мазмуни билан: Сарбозор бўлмаса, ҳаёт кемтик, нурсиз, бефайз. Бинобарин, жамоа жам бўладиган жойлар — маҳалла, чойхона, бозор ёзувчи ва шоирлар қадам ранжида қиладиган манзил, қадамжо. Элнинг ғаму ташвишида, қайғусида, тамошосида юрмаган, сайил, мажлису маъракасида бўлмаган, бозор-ўчар кўрмаган шоир — устоз кўрмаган шогирд боладай гап.

Ўзига ўхшаган ва ўхшамаган қаламкашлар даврасида бўлиш, фан кошоналари, олийгоҳларда, зиёлилар билан учрашиб туришлар, суҳбат қуришлар носир, шоир ва драматургларга кўп руҳий ва маърифий ғизо беради. Тўғри, зиёлилар — муаллимлар, дўхтирлар, муҳандислар, олимлар, санъат аҳли ҳам халқ. Ҳатто «илғор халқ»! Лекин ҳақиқий, ёмби халқ — бу ишчилар, деҳқонлар, хунармандлар, қурувчилар; қора меҳнат кишилари — қоровул, мардикор, аравакаш, юк ташувчи, фаррош, ғўлахи, оддий аскар, соҳибкор, пахтакор, ғаллакорлар... Шуларнинг барчаси, халқ ва «халқ бўлмаганлар» ҳам, шоҳу гадо жамулжам бўладиган майдон — бу, БОЗОР. Ижодкор мардум учун бу сингари жамоат жойларига бориб туриш ҳам фарз, ҳам қарз. Фақат қўлда қалам ёки теле-радио асбоб-анжомлари билангина эмас. Бозургонликни асло бурун жийирадиган касб деб билмаслик зарур.

Теша тегмаган гаплар, қочириқлар, ҳазил-мутойиба, шевалар; аския, тагдор ишораларни қаерда эшитасиз? Бозорда. Турли-туман тақдир эгаларини қаердан топасиз? Бозордан. Бир-бирига қойим ва ўхшамаган, бетакрор миллий тийнату сажия (характер)лар, иссиқ, совуқ, хўл, қуруқ мижоздаги инсонлар қаерга боради? Бозорга...

Оқар сувда чўмилиш учун дарё соҳилига бориб, сувга қараб узоқ хаёл суриш, тахаййулот тўлқинларида «сузиш» кифоя эмас. Бунинг учун уст-бошларни ечиб, қип-яланғоч ҳолда сувга шўнғиш керак. Албатта, иссиқ, ёруғ, шинам хонада мук тушиб, ё бўлмаса диктофоннинг қулоғига айтиб туриб, маза қилиб рўмон ёзиш ҳам мумкин. Бироқ халқнинг дилида, тилининг учида турган гапни топиб ёзиш учун одамлар орасига бориш, тўда, оломон ичига кириш, оммани унинг ўз тилидан эшитиш даркор. Акс ҳолда...

... Акс ҳолда боягидай ҳол рўй беради. Халқни кўрмай туриб халқ ҳақида ёзилган қиссанинг якунида, туллаган айиққа ўхшаб кетадиган «жонивор»га...«ушбу бузоқ эрур» деб «эскартма» берилгани сингари, «мана бу курама қавм тасвири — халқ турур» деб ёзиб қўйишга тўғри келарди.

Алп Жамолни тумонат одамлар қабул қилгани, тинглагани, тушунгани, севгани, унга ишонгани сабаби шу.

11. ПОЙ ОТ БЎЛГУНЧА ЭГАСИ ИТ БЎЛУР

Ёзувчининг «Меҳрибонлар» деган икки парда, саккиз кўринишли ҳажвий комедияси бор. Унинг «Тойчоқ» номи остида саҳнавий талқинини ойнаи жаҳонда бутун мамлакат миқёсида яқинда намойиш қилинди. Миллионлаб кишилар, аёлу эркак, ёшу қари тин олмай, энтикиб кўрди. Кулди, ғазабланди, йиғлади.

Дастгоҳда беҳосдан бузиб қўйган асбобингизни хандокка ташлаб юборишга мажбур бўласиз. Таъмирлашнинг иложи топилмайди, кўпинча. Қозонга бир чимдим ўрнига ярим ҳовуч туз солсангиз таомнинг мазаси чунонам тахирлашадики, тўкиб юборишдан бўлак чора қолмайди.

Инчунин, тарбияси айниган болангизни қаерга, қандай қилиб... итқитиб ташлайсиз. Ўзингиз пиширган ош: айланасиз — ичасиз, ўргуласиз-ичасиз. «Букирни гўр тузатади», дейишади. Ҳолбуки, маънавий-ахлоқий букир кимсалар то гўрнинг «тузатиши»га етиб боргунга қадар қанчадан-қанча одамохун, қадди расо инсонларнинг белини букади...

Жиддий ўйлаб кўрадиган гап. Биз жамиятда унда-бунда учраб қолаётган, таъбимизни кир қилаётган бир хил ёш-яланг сассиқ пўпанакларидан озурда бўлаётган, жабр кўраётган эканмиз, ўйлаб кўрганмизми бундай: улар кимларнинг «маҳсули»? Айниган зурёд асл-азалда айниб туғилганми ёки айниган насил одамлардан дунёга келганми? Биз ота-оналар безори, рўдапо, одобсиз бир нусхани учратганда...»Эсиз, минг афсус, шу турки бузуқ, қотил, ўғри, танфуруш, фирибгар ҳам ўз пўшти камаримдан туғилган. Ёшлигида туппа-тузук, одамбашара, фаришталик, гулдай нарса эди. Дурустроқ эътибор қилганимда, одоб берганимда одамларнинг дуосини олган билимдон, зукко, мўмин инсон бўларди. Эзгуликка мойил, раҳмдил, меҳрибон болакай эди. Мен ўз қўлим билан шундай фарзандимни иймонсиз, дилозор кимсага айлантирдим-а. Ўз эркатойимни жувонмарг қилдим. Уни жарга итарган, жалойи ватан, ношуд, ғайри миллат, манкуртга айлантирган мен ўзим бўламан. Ўша аблаҳ менман. Мен! Мен!! Мен!!!» деб виждонимиз қийналадими? «Унинг» қиёфасида ўзимизни кўришга ақл-фаросатимиз етадими?

«Меҳрибонлар» ана шу интиҳойи оғриқли муаммодан бадиий баҳс очади. Асар кечаги кунимиз учун қанчалик муҳим бўлса, бугунимиз ва эртанги ҳаётимиз учун ҳам бирдай долзарблигича қолаверади. Йўқ, «бирдай» эмас, унинг замонавийлиги қадри ортгандан ортиб боради. Ҳамма даврларда, учинчи минг йилликда ҳам худди «бугун ёзилгандай» жаранглаши аниқ.

12. ИЧКАРИ

Ўзининг энг яхши шингил ҳангомаларида, пиесаларида «Меҳрибонлар» ҳажвий комедиясида адиб воқеаларни ҳаёт ташқарисидан туриб тавсифламайди. У ҳаёт ва адабиётнинг зоҳирида эмас, балки, «ичкари ҳовлисида» яшайди, ижод қилади. Ўз қаҳрамонларини ичдан тасвирлайди. Ботиний руҳий кайфиятини ёритади. Одамлар Алп Жамол ҳажвиётини томоша қилиб мириқиб, кулар экан, аксарият, бировдан кўра ўз-ўзидан кулаётганини тушуниб етмайди. Саҳнада рол ижро этаётган актёрнинг ҳатти ҳаракатлари, хурмача қилиқларида «пича» мен ҳам борман, деб ўйламайди.

Ўзбекона меҳрибончилигимизнинг баъзи бир куракда турмайдиган чиқитлари ҳам йўқ эмас. Халқимиз жуда ҳам болажон халқ. Ўзи емаса ҳам, ўзи киймаса ҳам, бола-чақасини боқади. Едиради, ичиради, кийдиради. Кипригида, тишининг ковагида асрайди. Худди мушук сингари гўдагини тишида кўтариб юради. Бегонага ўптирмай, туяга тептирмай катта қилади.

Гоҳида, сир эмас, мана бундай манзараларнинг шоҳиди бўласан киши.

— Бўривой, — дейди ота ялтоқланиб тили энди чиқиб келаётган арзандасига юзланаркан. — Манови меҳмон амакингни бир сўкиб юбор...

Бола сўкинади.

Ҳамма шарақлаб кулади.

Меҳмон амаки ҳам.

Қиҳ-қиҳ-қиҳ...

— Тиркашик, тоғангни бир бопла, ўғлим...

Бола сўкинади.

Ҳамма шарақлаб кулади.

Тоға ҳам.

Ҳи-ҳи-ҳи-ҳи...

— Қани, Итбой, энангга қараб бир ириллаб кўрсат...

Бола ҳурпаяди, хезланади, ириллайди...

Вов-вов-вов!..

Ҳамма шарақлаб кулади.

Эна ҳам.

Ҳовлидаги Олапар ҳам «мамнун» Вовуллаб юборади:

Вов-вов-вов-в-в!

Ва-ҳа-ҳа, Ва-ҳа-ҳа, ва-ҳа-ҳа...

«Меҳрибонлар» («Тойчоқ»)да мишиқи эркатойнинг шу каби «беозор» сўкинишлари, «боплашлари», ириллашлари хурпайишлари, хезланишлари, вовуллашлари, отасини бокс қилишлари, илал-оқибат, оилага, жамиятга қандай мудҳиш мусибатлар келтиргани жонли лавҳаларда очиб берилган.

13. ҚОРАҚУЛОҚ ЁХУД ВАЛЮҲИ АҒЛАМ

Комедияда иштирок этувчилар: Ботир, Икром, Раҳбархон, Саврихон, Камол, Ҳофиз, Аждар, Бўри, Анжелика, Қоровул, Маъсуда, милиция, Санобар. Аввал бошда оилада тарбиянинг бузуқлиги оқибатида ўз «фаолияти»ни майда-чуйда «шўхликлар» — сурбетлик, ёлғончилик, дилозорлик, қиморбозлик, кисавурлик, йўлтўсарлик, кашандалик, ичкиликдан бошлаган Ботир пешма-пеш, босқичма-босқич «кўтарилиб» бориб уюшган жиноятчилар тўдасига қўшилиб қолади. Ҳатто меҳрибон отасини ўлдириб қўйишгача бориб етади («Тойчоқ»).

Муаллима Раҳбархон Ботирнинг хулқатвори хусусида боланинг онаси Саврихонга ҳеч нарсани тушунтиролмай хуноб. Икки аёл бошқа-бошқа «тилда» гаплашади.

● Саврихон: — Вой бу беадаб эканми?

Раҳбархон: — Ҳа ҳозир беадаб. Қимор ўйнаса, ёлғон гапирса, ханжар билан ўзи ўтирган партани ўйса! Текканга тегиб, тегмаганга кесак отса, сиз буларни билиб билмасликка олсангиз!.. «Қорақулоқ» деган бир маҳлуқ бор, унинг боласи кўп турмайди. Сабаби боласи туғилгандан кейин ота-онаси бетиним ялайверади. Ялайвериб, терисини шилиб юборади, танаси ҳимоясиз қолган шўрлик у-бу дардга чалиниб ўлиб кетади...

Саврихон: — Гапингизнинг нишабини тушундик, ўргилай!

Нима сизнингча биз қорақулоқ бўлдикми?

14. ОҚИБАТ НАДИР?

Ойнаи жаҳон саҳнида юзлаб саҳна асарлари ўйналади. Не-не саҳна усталарини кўрдик. Уларнинг тиниқ овозларини эшитдик. Шуниси борки, кўп устозлар, устакалонлар ярқ этиб ёнган истеъдод соҳиблари бугун орамизда йўқ. Уларнинг қалбларимизни ғурурга тўлдирган, беназир ижролари кўпи ҳавога учиб кетди... Оҳанрабо тасмалардан ўчириб юборилди.

Мен яқинда ажойиб кулги устаси, актёр Ҳасан Йўлдош тақдири билан қизикдим ва ...ҳомуш бўлиб қолдим. Нетонг!

Яна шундай талант қачон дунёга келади? Саҳнада ўзини тутишлари, фавқулодда маъноли, «гапирувчи» ҳаракатлари, юз-кўз ифодалари шундоқ кўз ўнгимда гавдаланиб туради. Ширали овозлари қулоқларим остида ўз жарангини тўла сақлаб қолган. Актёр ўзи танлаган ролни шунчалик қотириб «ижро этмасди» балки ролни ўйнар, қийиб ва қийиб юборарди. Пок руҳи Оллоҳ раҳматига қовушсин унинг. Афсус надоматлар бўлсинким, Ҳасанжоннинг атиги биргина чиқишини кимдир кўрсатгичга (видеога) ёзиб олган экан. Қолганлари ўчиб кетган. Идрис! «Ўлдинг-ўчдинг» деганлари шудир-да, а?..

Бу тарафдан сўз устаси, драматург раҳматлик Алп Жамолнинг бахти бор экан. 1995-98 йилларда «Фан» нашриёти унинг 4 жилддан таркиб топган «Танланган асарлари»ни чоп этди: 1-жилдда шингил ҳангомалар (минватур), 2-жилдда — пиесалар, 3-жилдда — драмалар, 4-жилдда — драма билан шеърлар жамланган. Манфаат бону Жамолиддинова билан жаноб Абдураҳмон ҳамда Муҳиддин Асомиддиновлар нашрга тайёрлашган. Муҳтарам олим, санъаткор, таниқли адибларимиз Ҳамид Зиёев, Эргаш Раимов, Умурзоқ ҳожи Зокиров, Шароф Бошбеков, Одил Ёқуб, Пўлат Мўминлар муқаддима ёзишган.

15. СЎНГГИ ҒАРАЗ

Алп Жамол ҳаётнинг пастқам, тор, қоронғи, ўнқир-чўнқир, жин кўчалари, боши берк йўлакларидан юриб, бадиий ижод, сўз санъатининг кенг, ёруғ шоҳ кўчасига яёв ўтиб келди. Узоқ машаққатли манзилларни босиб ўтди. Етмиш беш йиллик ҳаёти давомида (1915-1990) рўшноликка интилди, начора, Истиқлолга етиб келолмади. Одамларни ўбдон синади ва синалди.

Булар унинг тақдирида бор эди. Котиблик қилди. Мухбир бўлди. Илм ўрганди. Бозорчиликда ўзини синаб кўрди. Қаламкаш, шоир, драматург бўлиб танилди. Юсуф Сарёмийнинг қабрини обод қилди. Ул зотнинг арвоҳига юкинди. Ҳар хил тоифадаги кишилар билан дўстлашди, баҳслашди, довлашди. Алқисса ўзини излади ва топди. Қобил, тадбиркор, саховатпеша, ҳотам фарзандларга ишонди. Кўзи етдики, улар ўз қиблагоҳининг руҳини шод қилишади.

Ҳаёт унга бир чўкиртак, нурли қалам билан бир варақ қоғоз берди. Оллоҳ қўшди: «Бўл!», деди, Бўлди. «Ёз!» деди. Ёзди...

ҲАЁТ СИНОВЛАРИДА ҒОЛИБ

Дунёга келган инсонлар орасида шундай зотлар бўладики, ундайлар ҳаётлигида беминнат ва ҳалол меҳнати билан замондошлари қалбидан бир умрга жой олади. Орамиздан кетгандан сўнг эса унинг яхши хислатлари, одамохунлиги ҳақида тез-тез фикрлашилади. Айниқса бирга ишлаганлар, меҳнат қилиб унинг роҳатини биргалашиб кўрганлар, иш юзасидан сирдош бўлганлар кўпроқ хотирлайдилар.

Камина хизмат туфайли Иброҳимжон Паттиддинов билан бирга ишлаганлардан Тиллаволди Йўлдошев, Маҳмуджон Ҳомидов, Ҳабибулло Тиллабоев ҳамда қўшни хўжаликларда бир вақтда раҳбар бўлиб ишлаганлардан Хайриддин Қосимов, Султонбой Мўминов каби отахонлар билан кўп бирга бўлганман. Ўшанда улар Иброҳимжон Патиддиновни бот-бот ёдга олардилар. Суҳбатлари охирида «Руҳлари шод, ётган жойи обод бўлсин» деб дуо қилишарди.

Мен бугун сизга ўзи дунёдан ўтиб кетган, лекин номи вилоятимиз меҳнаткашлари тилидан тушмайдиган меҳнаткаш, ташкилотчи ва тадбиркор раҳбар, кўпни кўрган, эл-юртга меҳнати сингган Иброҳимжон Патиддинов ҳақида билганларимни айтмоқчиман. У 1925 йилда Андижон туманининг Янгиобод қишлоғида деҳқон оиласида туғилган эди.

Ёшлигидан деҳқончилик ишлари билан шуғулланди, ҳунар-техника билим юрти (ўша вақтлардаги ФЗО)да, раислар тайёрлаш курсида таълим олди. Иккинчи жаҳон урушида фронтга кетиб, салкам уч йилда ногирон бўлиб қишлоғига қайтди. У уруш даврида Полша, Венгрия, Чехословакия давлатларидаги жангларда қатнашди. Қишлоққа жанговар орден ва медаллар билан қайтиб келди.

У бригада сардори бўлиб ишлади. Абдусамат Дадабоев, Назарали Асқаров, Абдусамат Йўлчибоев (уларни Оллоҳ раҳматига олсин) тавсияномаси билан 1951 йилда «Янгиобод» хўжалиги бошқаруви раислигига сайланди. Бу вазифани салкам 30 йил давомида ҳалол-поклик билан бажарди. Раислик лавозимида ишлаган даврда хўжалик йириклашди. Қишлоқдаги майда хўжаликлар «Янгиобод»га бирлашгандан сўнг ҳам у йирик жамоа хўжалигининг раиси этиб сайланди. Янги мевали боғлар, узумзорлар ташкил этишга бошчилик қилди. И. Патиддинов 26- ва 30-ўрта мактаблар учун янги бинолар қурилишига асос солди.

Болгария Республикасининг «Ямбол» округи билан ўзаро мусобақада қатнашди. Янги архитектура лойиҳаси асосида аҳоли пункти қурилишига раҳбарлик қилди. И. Патиддинов раислик лавозимида ишлаб юриб, ҳозирги Тошкент Аграр университетининг агрономия куллиётини тамомлади. У мактабгача тарбия муассасалари ва умумий ва умумий мажбурий таълим ишини яхшилашга қўшган ҳиссаси учун 1965 йилда Ўзбекистон халқ таълими вазирлиги томонидан «Халқ маорифи аълочиси» нишони билан тақдирланган эди.

Унинг раҳбарлигида хўжаликда пахта етиштириш 7 минг тоннадан ошган, ҳар бир сигирдан соғиб олинган сут 2500 литрни, бир бош сўқимнинг тирик вазни 350-360 килограммни ташкил этган эди. Хўжаликда чорвачилик ва пахтачиликни ривожлантириш, пахтани машиналарда теришни ташкил этишдаги хизматлари учун ҳукумат томонидан муносиб тақдирланган эди. У агроном сифатида тўрт-беш хил пахта навларини районлаштиришга ҳисса қўшгани учун «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган агроном» деган мўътабар унвон соҳиби бўлган эди.

И. Патиддинов пенсияга чиққандан сўнг пахта тайёрлаш пунктида мудирлик қилди. Балиқчиликни ривожлантириш ташаббускори бўлди. Унинг фарзандлари ўқимишли зиёлилар бўлиб етишди. Қизлари Замира, Рашида педагог, ҳозирда оила бекалари, ўғил-қизларга меҳрибон она бўлишди. Бир ўғли Бахтиёр ҳаким. Ота изидан борган Илҳомжон хўжаликда ғаллачилик бригадири вазифасида ишламоқда.

Иброҳимжон Патиддиновнинг фарзандлари жуда ҳам иноқ ва бир-бирларига оқибатлидир. Улар ҳамжиҳат бўлишиб оналарини муборак ҳаж сафарига олиб бориб келишди.

Туман ҳокимлиги қошидаги атамалар гуруҳи қишлоқ халқининг талаб-ҳоҳишларини инобатга олди. И. Патиддинов ишлаб юрганда қурдирган 26-мактабга, 30 йил раҳбар бўлиб ишлаган жамоа хўжалигига унинг номи берилди. Унинг номидаги мактаб спортчилари, бадиий ҳаваскорлари туман мусобақаларида иштирок этиб, совринли ўринларни эгаллашмоқда. Хўжалик эса пахтачилик ва картошка етиштиришда Андижон вилоятидаги илғор жамоа хўжаликларидан бири ҳисобланади.

Тақдир экан, ажойиб устоз Иброҳимжон Патиддиновга Ўзбекистонимиз мустақиллигини кўриш насиб этмади. Аммо вилоят ва туман халқи унинг хизматларини унутмайди, хотираси ҳамиша қалбимизда қолади. Хотира ва Қадрлаш байрами муносабати билан унинг қабрини қадрдонлари ва мактаб ўқувчилари зиёрат қилишиб, унинг пойига гулдасталар қўйишди.

Ваҳобжон ДАДАБОЕВ

Келинг, бир кулишайлик

«ТИЛИПОН»

Телефони тушмагур узоқни яқин қиладиган яхши воситаю, аммо кўпгина хонимлар унинг «пўстагини қоқиб, тоза адабини берадилар-да».

Телефон дегани икки оғиз зарур гапни айтиш лозим бўлганида ёхуд гап йиғилиб қолган бўлса, учрашув вақти-соатини тайин қилиб олишда асқотадиган аппарат.

...Йўқ...хонимлар телефонда бамайлихотир, бафуржа суҳбат қуриб, обдон ҳасратлашиб олишни одат қилишган, (Худди шу пайтда биров муҳим гапни айтмоқчи бўлиб, телефон-қоқа-қоқа хит бўлаверса, майли).

Кетаётган суҳбатни бемалол эшитса бўлади:

— «Мастурахонам, ўша материалдан тиктирибдию, лекин теги сидирға бўлганиминан, шох-шох гулиям бор...»

— «Кишини очадиган розивий материалдан енгсиз қилиб тиктир. Қиммат бўлсаям, артисларнинг анақасига обор!»

«...Йўқловга учта-тўртта ошши хоми келувди, шуни савзисини ишлатиб қўя қолдим...»

— «Хўп, тилипон қип тур»...

Хайрият-ей, тугади. Ниҳоят телефон бўшаб қулоқ тинчиди-я.

Азбаройи бу гаплар ҳовлининг этагидаги ошхонанинг икки қават деразасидан, сўнгра буёқдаги уйнинг икки қават деразасидан ҳам ўтиб бемалол эшитиларди. Чамаси хонимнинг бутун куч-қуввати қулоқни батанг қиладиган овозга айланиб кетганов!

Илгарилари хотин кишининг товуши қўшниникига чиқса, одоб доирасидан ташқари деб ҳисобланарди. (Бу ҳақда ёзгандик).

Оҳ, хонимлар... Баланд овозда гапириш кишини тез қаритишдан ташқари умрни ҳам қисқартиришини билсалар эди-я.

Шундан сўнг «палон гап ундоқ эмас, бундоқ эди», деб кўринг-чи. Ҳай-ҳай, «Нега мени телипондаги гапимга қулоқ соласиз» деб эшитадиганингизни эшитиб оласиз.

Биз тарафлардаги телефонлар ҳам қанча гапирилганига қараб счет юбориладиган системага тезроқ ўтсайди, қулоқ тинчирмиди, дейман.

Кейинги маҳалларда Европадаги кордон кишилар Таиланд, Малайзия каби Шарқ мамлакатларидан келин олишга ўтибдилар. Нега десангиз, шулар уйим-жойим, эрим дейдиган вафодор, мўмин-қобил, соме келинлар чиқиб қолибди. Унақанги «бетга чопар»лардан эмас экан.

— Тил билмаса-чи?

— Янаям яхши, қулоқ тинч бўлади. Умуман гапни нима кераги бор ўзи. Қайтага туғиладиган фарзанд ортиқча яна битта тил биладиган бўлади...

Зотан Тошкентда бир кишини билардим: раҳматлик агар тўй-ҳашамлардаги бир-икки оғиз зарур мулоқот бўлганлигини айтмасак, умр бўйи хотини билан сира-сира гаплашмай ўтганди. Кўз, нигоҳ, ишорати кифоя қилган...

Башарти ҳозирги ақлим, тажрибаларим бўйдоқлигимда бўлганидами, тили калтага уйланган бўлардим: ноппа-нозанин қизлар, шовқин йўқ, баҳириқ йўқ, ҳангиллаш, жеркишнинг ўзи йўқ. Насл фарзанд эса соғлом туғилади. Кўни-қўшнилашиб, бола-бақралашиб дегандек — тили ҳам чиқиб кетарди. Она тили бўлмаса, ота тили бўлар. Боз устига имо-ишора тили...

Шарофиддин КЎНЧИ



Минорлардан юксакдир инсон орзуси.
Турғунбек МАҲКАМОВ олган суратлар

ЗАМОНАМИЗ КИШИСИ

«ЛОЛАЗОР»НИ ҚАЙТА ЎҚИБ

Янги нашрлар

Инсон яралгандан буён ўзига бахтиёрлик излайди. Унинг бу ҳолатини илоҳиётчилар унинг жаннатдан қувилиши билан изоҳласалар, фан тарафдорлари тадрижийликни бош сабаб қилиб кўрсатадилар. Дарҳақиқат, «Инсон бахтлими» деган саволга ҳа ёки йўқ деб жавоб бериб бўлмайди. Яратган бу саволни инсоннинг ўзига жазо тариқасида қолдирган бўлса, не ажаб! Ёхуд бу инсонга иноъом этилган энг буюк саодат эмасми? Ахир бахтда тама бор, тама эса хўрлик демакдир. Хўш, инсон ёздиғига нима ёзилган ўзи? Дарвоқе, одам нима учун жаннатдан қувилган эди? Ўз жуфти ҳалолининг гапига киргани учунми? Ҳа, шундай, лекин у, яъни Момо Ҳаво унинг қобирғасидан яралган эди-ку! Демак, одам одамга душман. Янаям тўғрироғи, инсонга энг катта душман унинг ўзи. Инсон қисматидаги бу чигал тақдир ёзувчи Мурод Муҳаммад Дўстнинг «Лолазор» романида ажиб бир йўсинда ўз ифодасини топган. Асарда икки инсон тақдири ҳикоя қилинади — Ошно ва Яхшибоев. Буларнинг исми жисмига мосми? Ошно кимнинг ошнаси? Яхшибоевнингми? Тўғри, у қадрдон жўраси Яхшибоевга кўп бор ошналик қилган. Масалан, уни ўғирликдан қайтаради, Муҳсинага уйлантириб қўйади ва ҳоказо. Лекин булар яхшилик эдими? Бундай яхшиликдан душманлик аъло эмасми? Ошна оқим қаёққа сурса, ўша ёққа оқадиган одам. Яхшибоев бунинг акси. «Оқимга қарши сузиш керак: оқим деганлари шунинг учун мавжуд-ку! Агар оқимга қарши сузмаганимизда эди, барчамиз ҳалок бўлармидик» дейди машҳур ёзувчи Габриел Маркес. Рост, Яхшибоев бўлмаганда Ошно ҳалок бўлармиди? Ёки аксинча. Ошнонинг дўсти ҳам, душмани ҳам Назар Яхшибоев. Яхшибоев учун эса Ошно шундай. Ким кучли? Ким бахтли? Ҳеч ким. «Одам ўзининг маънавий эҳтиёжларини суиистеъмол қилгани учун ҳам хаста ва бахтсиздир», дейди файласуф Фром. Ошно — шундай ожиз одам. У мудом бахтсизлигини яшириб юришга интилади. Яхшибоевнинг йўриғи эса сал бошқачароқ. «Фақат алоҳида шахслар руҳиятида катта ўзгариш юз бериши мумкин. Улар ўз ҳаёт тарзлари ила яқинлари ва ўзлари мансуб доирадагилар руҳиятига ижобий ва баракали таъсир қиладилар. Бу билан мен тарғибот, тушунтириш, қўндириш, чорлаш каби расмийликка ўхшаган воситаларни назарда тутганим йўқ, балки, тажрибада исботланган бир далил — кимки ўз кўнглини англашга интилиш орқали ботиний шуурга йўл топа олса, ўзи сезмаган ҳолда атрофдаги одамларнинг маънавий покланишига илҳом бериб, туради», дейди Карл Юнг. Бу гаплар гўё Яхшибоев ҳақида гапирилгандай. Аслида Яхшибоевнинг яхшилиги кимга ва қандай наф берди? Умуман яхшилик ва бахт ўртасида қандай боғлиқлик бор? Буларнинг тугал жавоби борми ўзи?

Албатта, биргина кичик мулоҳаза билан роман ҳақида батафсил сўз айтиш имкони йўқ. «Лолазор» романчиликда «Ўткан кунлар» ва «Кеча ва кундуз»дан кейин яратилган энг катта ҳодиса. Бу ҳодиса ўзининг кенг қамровлилиги, фожелиги ва чигаллиги билан аср боши ва охиридаги маънавий-руҳий ҳаётимизни боғлаб турувчи риштадир. Бу ришта хўб ва кўп ўрганилишни талаб қилади. Таъкидлаш жоизки, у анча пишиқ ва мустаҳкам. Шу боисдан ҳам уни келгусида рўй беражак маънавий ҳодисаларга ўрнак бўларлик замин бўлиб хизмат қилади, десак хато бўлмайди. Илло, ёзувчининг ҳар бир асари азалий муаммолар хусусида баҳс юритади. Унинг яратган образлари «Қайдасан, қувонч садоси?» деб ҳайқиришга тўла ҳуқуқли инсонлардир. «Одамлар ичида бошқача одам» бўлган Ғайбаров ҳақида ўйлаганда кишининг кўз олдида Достоевскийнинг князь Мишкини пайдо бўлади. Улар бир-бирига ўхшаб кетадилар. Лекин ҳаётда улар бир-бирига тамом бегонадирлар. Албатта, адабиёт ва ҳаёт ўртасида боғлиқлик ҳамда фарқлар мавжуд. Кўпчилик одамлар адабиёт ҳаёт билан бир хил бўлиши керак деб ҳисоблайдилар. Агар шундай бўлганда эди, уларнинг биронтасида ҳам маъно қолмаган бўларди. Зеро, адабиётсиз ҳаёт тузсиз ва совиб қолган овқат бўлса, ҳаёт ҳақиқатларига таянмаган адабиёт қуруқ чўпчақдир. Буларнинг уйғунлигигина инсон қалбини овутиш, аллалаш, яшашга даъват этиш қурбига эга. Ғайбаровнинг бахти ҳам, бахтсизлиги ҳам ҳаётга, ҳаётни бошқараётган ёлғон мантиққа мослашмаганидир. Ёлғон мантиққа бўйсинувчи жамиятда совуққон ақл ҳукмронлик қилади. Унинг учун ҳис-туйғулар бир чақага қиммат. Шу боис у Ғайбаровга ўхшаганларни аёвсиз эзиб-янчишга интилади. Бироқ, инсон қалбига қилинган ҳар қандай тазйиқ ва тажовузнинг оқибати мағлубиятдир. Йўқ, Ғайбаров мағлуб эмас, балки чириган жамият устидан ўзининг борлиғи, табиийлиги билан музаффар бўлган инсондир. «Галатепага қайтиш»да ўзига хос рамзийлик бор. Ғайбаров ўзлигига қайтиш қилди. Зотан, бу азал қонуни эди. Ўз қилмиши учун жаннатдан қувилган инсон ҳали-ҳануз ундан умидини узгани йўқ. Узмайди ҳам. Шу билан бирга унинг жаннатга қайтиши ҳам унчалик аниқ эмас. Шундай бўлса-да, у батамом бахтсиз эмас. Чунки унинг бахтига адабиёт бор. Воқеликнинг оғир зарбаларидан боши гангиган одам хаёлотнинг мангу қўл етмас сарҳадларидан ўзига бошпана излайди, ҳолсизлашаётган тафаккури эса илоҳий тафаккур парвозидан ўзига куч олади. Адабиёт инсон қалбини тозаловчи ҳилқатдир. Бу ҳилқатда бахт ва бахтсизлик мутаносиб ҳолатда бўлади.

Хулоса қилсак, инсоннинг жаннатга қайтишига имконият берилган экан. Бу имконият — яратиш имкониятидир. Албатта, инсон жаннатсизликни ҳам ўзи истаб олган эди. Бу эса, истаса яна қайта у ерга бора олади дегани ҳамдир. Демак, ижод жаннат тамаси эмас, балки ўзининг йўқсизлик ва чексизлик орасида йўқ бўлиб кетмасликка туганмас уринишидир.

Бугун маданий-руҳий ҳаётимизда тўпланиб қолган турфа муаммоларнинг илдизи қайга бориб тақалишини ўйлаганда киши юрагининг қай бир пучмоқларида оғриқ қўзғалиши табиий. Бу оғриқлар адиб асарларида у ёки бу даражада ўз аксини топгани чиндан ҳам фавқулодда ажабланарли ҳолдир. Бу эса ҳақиқий ёзувчининг улкан ютуғидир. Зеро, маънавий-руҳий оғриқларини бадиий асар орқали даволаган ҳар бир киши муаллифга таҳсин ва ташаккур билдириши тайин. Мурод Муҳаммад Дўст ана шундай ноёб тақдирга соҳиб бўлган ижодкорлар сирасига киради.

Холли НОРБОЙ

ИХЛОС ОЛДИДА ҚАРЗДОРМИЗ

ИЛМ ЗАРГАРИ

Хотира ва Қадр

Зар қадрини заргар билади, дейдилар. Олим, фозил инсон Тўхтасин Жалолов илм заргари, шоиртабиат устоз эди. Ул зотнинг «Олтин қафас», «Олой маликаси», «Хамса талқинлари», «Бону», «Ўзбек шоиралари», «Қизлар қасидаси» каби асарлари, рисолалари бизга ёдгор бўлиб қолган. Шарқ ҳикматгўй шоир ва носирлари ижодидан ул киши ўзбекчага ўгирган таржималар бугун ҳам тароватини йўқотмаган.

Тўхтасин Жалолов ҳақиқий шеърпараст, кўнгилпараст эди. Шеърдан аввало ҳикмат, сеҳр, завқ излар, ҳайрат билан сўзларди. Ҳазрат Ҳожа Ҳофиз ва Аҳмад Яссавийнинг ҳикматлар чаманига саёҳат қиларди. Қадим ва бугуннинг овозини пайвандлай оларди. Заҳматкаш олим тарих қатларидан ботмон-ботмон тупроқни элаб, олтин излаган қадимшунос эди. Адабиёт гулшанидан янги, сара гулларни излаб, гулдаста қилиб, қайси бири яхшилиги айтмоқ учун шошган меҳрибон боғбонга ҳам ўхшарди.

Гоҳ ҳайратланиб, хаёлга ботиб, гоҳ бироз қойиб, гоҳ ортиқча мақтаб, адибалар, шоиралар ижодини таҳлил этарди. Олийҳиммат кишилар инсондан фазилат изслайдилар. Яхшисини оширириб, ёмонини яшириб гапирадилар. Тўхтасин Жалолов домла ҳам ана шундай яхшилардан эди.

«Шарқ юлдузи», «Саодат» даргоҳларига атайлаб шеър тинглагани келарди. Бугун қандай янги шеър тинглайман, қандай янги шоиралардан эшитаман, дерди. Янги шеър тинглаган кунлари ул киши учун байрам эди. Завқланиб, бошларини сарак-сарак қилиб, офарин, балли деб қўярди. Ҳар гал қўлларида бирор шоиранинг китобини ёки журналми бўларди. Шоиралар нинг нафис суратларини сўзда чизиб, минглаб мухлисларга таништирган олим Тўхтасин Жалолов довруқли юбилейларини кўрмади. «Тарихнинг бир хатоси билан ўн беш йил адабиётдан четдан яшадим», деб ўкинарди домла. Мустабид тузум олим тақдиридаги оғир кечинмаларни, ул киши чеккан жавру жафоларни элдан сир тутди, очиқ айтишга йўл бермади.

Мустақиллик йилларидагина адибнинг тўла таржимаи ҳолини, иш излаб, 50-йилларда сарсон-саргардон бўлганларини, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида ўқидик. Ҳамид Сулаймон, Шуҳрат, Мирзакалон Исмоилий, Шукрулло, Саид Аҳмадларнинг номини «халқ душмани»га йўйган тузум Тўхтасин Жалоловни ҳам қор салтанатида тўнка ковлатди, хўрлади. Ҳамид Сулаймон айтганларидай:

Қалам ўрнида чўкич
Ушлаганда йиғлади.
Кўр каламушлар қилич,
Пешлаганда йиғлади...

Ўз қавмидан шунча жафо кўриб, боши тошга теккан, бир лаҳза ҳам ижодни унутмаган одамнинг адабиётга, ижодкорларга ихлосини кўриб ҳайратга тушганман. Самар Бону ғазалларини топиш учун олим йиллаб машаққат чекканлар, ўнлаб илм муҳиблари билан хат ёзишганлар. Шоира қизларнинг ёзганларини ўз фарзандидай суюнчилаб, мақтаб, кўз-кўзлаган. Биргина чиройли ташбехдан кўнгиллари ўксиб, бўшроқ сатрлардан бироз ранжиб ёзганлари ҳам лутфга, мақтовга тўлиқ, Шарқнинг донишмандлиги, Шарқнинг бағри кенглиги балқиб туради у кишининг шеърият ҳақидаги талқинларида.

Йиллар ўтди. шеърият майдонида жасур сўзли, оташ нафасли шоиралар чақнади. Улар миллатнинг дардларидан, озодлик нашидасидан сўзлаяптилар. Қутлибека, Шарифа, Зулфия, Хосият, Ҳалима Аҳмад, Фароғат, Фарида, Муҳтарама, Нодира, Энахон, Матлуба, Моҳигул, Гулжамол, Каромат, Дилоромлар, Гулчеҳралар, Гўзал бегимлар... Буларнинг ҳар бири бир дунё. Булар Тўхтасин Жалолов ёзмай кетган «Қизлар қасидаси»нинг янги, гўзал китобидир...

Тўхтасин Жалолов ҳозир қувончлари ичига сиғмай, қасидалар, фахриялар битган бўларди. Янги «Мажолис-ун-нафоис»ни эл қўлига тутарди. Аёлларга туҳфа этилган бу дилбар йилимизда биз ҳам ҳикматгўй, шеърпараст устозни Қадр айёмлари йўқлаб турсак, устоз руҳига муносиб бўлур... Ул зоти шариф олдида, ихлос олдида ҳамиша қарздормиз.

Ойдин ҲОЖИЕВА

ҚАЛБИМ ОҒРИҚЛАРИ

Қиз сирлашуви

Онажон! Қаршимда суратингиз, мунгли чеҳрангизга қараб тўймайман. Юрагим тўлиб кетди. Сиз ҳам қизингиздан маъюс кўзларингизни узмайсиз. Мен бунга дош беролмайман. Кўксимдан қуйилиб келаётган соғинчларимни қайга таширай! Қайга?

Онажон, биламан, мен қанча азоб чексам, изтиробда юрсам сизнинг руҳингиз шунчалик кўп қийналади. Нима қилай, дардимни кимга айтай? Сиз ҳамиша сезгир нигоҳингиз, меҳрли дилингиз билан менга, юрагимга қулоқ тутгандек бўласиз. Шунинг учун кўнглимнинг туб-тубида жойлашиб олган армону дардларимни сизнинг суратингизга айтаман...

Аёл киши ҳаётида учраб турадиган ҳам қувончли, ҳам ғамгин воқеаларни яқин кишисига айтгиси, барини у билан бирга баҳам кўргиси келади. Мен кимга айтай, ким билан баҳам кўрай? Сиз эса дилимдаги барча гапларни бирдан ўқигандай менга далда беришга шошасиз:

— «Болажоним! Азиз қизгинам. Мен сени бор-йўғи 8 йил эркаладим. Менинг юрагимда армонларим шу қадар кўп. Уларнинг ҳаммасини сенга бирма-бир айтишнинг сира иложи йўқ. Биламан, ҳаммасини биламан. Сен ҳаётда жуда ёш ноҳақликка учрадинг. Сен энди-энди тушуняпсан: Ҳаёт шу ноҳақликнинг ўзидангина иборат эмас. Яшамоқ яхши ва у давом этади... Сени, опаларингни, синглингни эркалатгим, жажжи юракларига қулоқ солгим келади. Начора, ўлим олдида инсон ожиз. Аммо, овозингни эшитиб тураман. Эсласанг, ҳузурингда ҳозир бўламан.

Болажоним, ҳаёт жуда ҳам мураккаб! Сен ҳаётнинг кичкинагина зарбасига дуч келдинг, ҳали олдинда сени қанчадан-қанча номаълум кунлар кутаяпти. Сендан ўтинаман, ҳаётга енгил кўз билан қарама, ҳаётингда учраб турадиган ўткинчи қийинчиликлар устидан енгилма, умидсиз бош эгиб ўтирма...

Масъум қалбингнинг армонли нидоларини бошидан ўтказган инсонгина ҳис қилади. Оналик қалбим меҳру-муҳаббатим билан сезаман. Қизгинам, қалб изтироблари кишини ҳар қандай оғир меҳнатдан ҳам кўпроқ чарчатади. Ҳеч қачон тушкунликка тушмагин. Биламан, сенга жуда ҳам қийин, дилинг ярим, кўнглинг таскинга муҳтож.

Эслайсанми, сен ёшлигингда жуда кўп йиғлардинг... Лекин улғайгач, ҳаётинг иши йиғи билан эмас, тадбир билан битади. Қизгинам, йиғлама, оқила бўл, чора қидир, чорасиз ўтирма, мен биламан: бечоралик ҳеч кимга ярашмайди.

Болажоним, сен эзилсанг менинг ҳам руҳим безовта бўлади. Шунинг учун менинг ушалмай, армон бўлиб қолган ниятларимга, орзу-истакларимга сиз, фарзандларим эришинглар...

Болажоним, кўз ёшларингни арт. Ҳали сени олдинда бахтли ҳаёт кутаяпти... Сен шундай яшашга ҳаракат қилгинки, ортингга ўгирилиб қараганингда қуриб-қақшаб ётган чўлни эмас, гуллаб яшнаб ётган боғни кўргин. Сен ҳали Она бўлишинг, ширинданширин фарзандларингнинг камолини кўришинг керак, сен бунга ҳақлисан! Қани энди, юрагингдаги тушкунлик тугунларини ечгину умид, севинч қанотларини ёзгин. Ахир парвозсиз яшаб бўладими...»

ОНАЖОН, қани энди табиат тантилик қилсаю, сизга қайта умр бахшида этса... Сизнинг ушалмай, армон бўлиб қолган орзу-ниятларингиз фарзандларингиз ҳаётида рўёбга чиқса...

Онажон, Сиз менга қанот бағишладингиз... қизингиз, албатта, парвоз қилади!..

Муяссар ҲАСАНОВА

МАШЪАЛА ЁРУҒИДА

Мусаввир ва тасаввур

Инсон дунёни идрок этиш йўлида тинимсиз изланади. Дунёни ўзгартириш, уни янгича кўриш иштиёқи билан яшайди. Инсоният камолоти йўлидаги тадбирларда ўз имконияти даражасида хизмат қилади. Инсониятни маънавий озиқлантирувчи ижод аҳли ўз фаолиятида шуларга риоя этади.

Тасвирий санъат руҳият оламининг ўзига хос тебранишларини матога муҳрлайди. Машҳур бир италян рассоми: «Тасвирий асар инсонларга бахт олиб келиши керак, унда қайғули воқеа акс этган бўлса ҳам» деган экан. Тасвирий санъат бунга инсонда фикр уйғотиш, воқеликка муносабат билдириш, мушоҳадага ундаш билан эришади.

Ўзбек ранг-тасвир оламида ўз фалсафасини яратаётган мусаввир Шокир Зокиров ижоди рамзий тасвирларнинг ўзига хослиги билан ажралиб туради. Мусаввир 1964 йил Тошкент шаҳрида туғилган. Бенков номидаги рассомлик билим юрти, сўнг Маннон Уйғур номидаги санъат олийгоҳида таҳсил олган. Мутахассислиги — кино рассоми.

Рассомнинг бир қатор асарлари чет давлатлар ва мамлакатимиздаги шахсий коллекцияларда сақланади.

Шокир Зокиров ижодида унинг қаҳрамонлари ўтмиш ва келажак аро сайр қилишади. Рассом ўткинчи дунёда инсоннинг ўрнини топишга ҳаракат қилиб, унинг қувончини ҳам, қайғусини ҳам ўрганаётгандек. Ижодкор дарвешлар образини яратиши бежиз эмас. Дарвешлар дунёдан кўнгил узган, ғаз моҳиятни изловчилардир.

Унинг асарларида табиат манзаралари инсон руҳий ҳолатлари билан уйғунлашиб кетади. «Баҳор» асарида вақт ва абадият бир жойда учрашади. Булоқ — халқимизда тиниқлик ва тириклик рамзи. Рассом «Булоқ» деб номланган асарида мусаффо ҳаёт ва келажак ҳақида ҳикоя қилгандай бўлади. Асарда булоқ бошига сув олишга келган қизларнинг орзулари осмоний рангларда акс этган. Тиниқ ранглар фикрни ёрқинлаштирган.

Шокир Зокиров асарларини кузатиб, унда синиш, ажралиш, тўкилиш, гуллаш, яшариш мавзуларининг етакчилигини кўрасиз. Тарих ва бугунги кун қоришиғидаги манзаралар бир қарашда инсон идрокидан ташқарида рўй бераётгандек. Бу ҳолатларнинг бугунги кунимизга даҳли йўқдек. Ваҳоланки, ҳар бир ўтган кунимиз мозий қаърига қуламоқда. Рассомнинг асарларида афсонавий сюжетларда айнан шу ҳолатлар ғайритабиий кўринишда намоён бўлади. Тўғрироғи, тушга ўхшайди. Инсон тушида замон ва макон оралиғида бемалол сайр қила олади. «Таназзул», «Тахайюл», «Сеҳр» асарларида рассомнинг воқеликка муносабати, мушоҳадаси ва фалсафаси аниқ акс этган. «Таназзул» асаридаги дарвеш йўқликдан мангулик томон сафарга чиққан.

Шокир Зокиров кино рассоми. У матода фикрлайди ва томошабинни сеҳрли оламига чорлай олади. Сюжетлардаги чуқур фалсафий қарашлар асарларга юқори эпиклик бағишлаган.

Рассом услубида рангларни фаслларга мутаносиб танлаш маҳорати устун.

«Самовий машъала» асарида рассом Заҳириддин Бобур образига мурожаат этади. Оппоқ от минган шоҳ ва шоир Бобур зиё машъали билан замонлар аро нур таратиб юрибди. Асарда Бобур самода, отининг оёғи остида замонлар силсиласи. Назаримда, Бобур бевафо ва машъум дунёдан рўшнолик излаб юрибди. Зокиров яратаётган асарларида ҳаёт фалсафаси афсона ва ҳақиқатларга қоришиқ тарзда ифодаланади.

Шокир Зокировнинг ижодхонасида бўлиб, унга ўзимни қизиқтирган саволларни бераман:

— Шокир ака, сиз учун ижод нима?

— Ижод — менинг ҳаётим. Кечаю кундуз тасвирий санъат билан яшайман. Ўзимни ундан холи тасаввур эта олмайман.

— Ижодкор-чи?

— Ижодкор фидойи бўлиши керак. Лекин мен ўзимни бу даражада деб ўйламайман.

— Тасвирий санъатнинг бугунги аҳволи сизни қониқтирадими?

— Биласизми, бугун замон талаби биланми, асарлар тор доирага, бадавлат коллекционерларнинг қўлига ўтмоқда, муҳташам меҳмонхоналарнинг деворларини безамоқда. Демак, томошабинлар доираси ҳам тораймоқда. Уларни маълум гуруҳгина томоша қилиши мумкин. Бу ачинарли албатта. Лекин қувончли тарафи шундаки, техниканинг тараққиёти туфайли бугун «Интернет» тизими орқали жаҳон рассомларининг асарларини тез фурсатларда кўриш, танишиш имконияти мавжуд.

— Шокир ака, асарларингизда рамзийлик кучли, бунга қандай эришасиз?

— Кино рассоми эканлигим ҳам сабаб бўлса керак. Бизга талаб одатдаги рассомлик қоидаларидан бошқачароқ қўйилади. Режиссёрга рассомнинг фикрлаши лозим. Экранда ҳар бир унсурнинг ўз вазифаси бор. Рассом қаҳрамонлар кайфиятини бера олиши зарур.

— «Самовий машъала» асарингизнинг икки-уч вариантини ишлаган экансиз?

— Бобур ижодини ўрганиб, менда ғалати кайфият пайдо бўлди. Уша кайфиятни бериш учун бир туркум ишлар қилганман.

Нураб кетаётган обидалар... Оқ отда сайр қилаётган Бобур руҳи... Даврлар аро, замонлар аро Бобур зиёси машъала тимсолида онгимизни, шуурмизни ёритиб ўтмоқда.

— Классик асар сизнингча қандай белгиланади?

— Классик асар ҳис қилинади. Ҳар бир тасвирий асарнинг ўз ҳаёт йўли бор. Умуман олганда, холст тирик, у нафас олади. Биласизми, картина ўз ўрнини топиш учун маълум йўлни босиб ўтади. Қаердадир чанг босиб ётиши мумкин. Классик асарлар билан боғлиқ саргузаштли ва ғаройиб воқеалар кўп.

— Шокир ака, яратаётган асарларингизда руҳиятингиз акс этадими?

— Асарларимда бу ҳолат учрайди. «Эски шаҳар» ишим ўзимга ёқади. Унда мен Эски шаҳарда кўришни орзу қилган ҳовли. Лойдан, ёғочдан, сомон суваб қилинган деворлар юрагимга яқин. Уларда меҳр бор.

Ш. Зокировнинг мусаввир сифатида ўзига хослиги шундаки, у ҳар бир ишда ўта талабчан. Ҳар бир ишнинг юқори савияда бажарилишига ҳаракат қилади. Поғонани жуда баландга қўяди. Суҳбат жараёнида рассом тасвирий санъат ҳақида узоқ сўзлади. Уларнинг айрим фикрларини ён дафтарчамга ёзиб қўйдим.

«Рассом характерини билиш учун унинг ижодхонасини кўриш керак. Ижодхонанинг тузилиши, тартиби рассом характерига ишора қилади».

«Истеъдодни эрта пайқаш ҳам маҳорат».

«Тасвирий санъатда устоз билан шогирднинг бир-бирини тўғри тушуниши янги услубни юзага келтиради».

Ш. Зокиров ижоди кенг қамровли. Рассом ҳақидаги бу мақоламиз унинг ижодини ўрганиш ва талқин этиш йўлидаги илк уринишдир. Ш. Зокиров тасвирий санъат оламида тафаккурий эврилишларга сабаб бўлгувчи асарлар яратмоқда.

Дилфуза КАМОЛ

Суратларда: мусаввир ижодидан намуналар

ЗЕҲНИНГИЗНИ СИНАБ КЎРИНГ!

Муҳтарам газетхон дўстлар!

Шу йил 10 июн куни «Миллий тикланиш» газетасининг илк сони чиққанига 4 йил тўлади. Ушбу санага бағишлаб газетамиз таҳририяти шахмат масала ва этюдларини ечиш конкурсини эълон қилади. Мусобақада ёши ва касбидан қатъий назар барча мухлисларимиз қатнашиши мумкин. Конкурсда енгиб чиқиш учун жами олтита композиция, яъни битта икки юришли, битта уч юришли, битта беш юришли, битта ҳазил масала, шунингдек иккита этюдни тўғри ҳал қилиш керак. Масала ва этюдларга энг тўғри ва батафсил жавоб йўллаган бешта ғолиб муштарийларни «Миллий тикланиш» газетасининг Фахрий Ёрлиқлари кутмоқда.

Бугун биз дастлабки иккита масалани мухлислар эътиборига ҳавола қиляпмиз. Қолган композициялар газетамизнинг кейинги сонларида чоп этилади. Жавоб мактубларингизни 1999 йил 1 июнгача (почта муҳри ҳисобга олинади) қуйидаги манзилгоҳга йўллашингиз мумкин: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-нчи уй, «Миллий тикланиш» газетаси таҳририятига. «МТ» Шахмат конкурсига журналист Ш. Мирзаев ҳакамлик қилади.

Конверт устига «Шахмат конкурсига» деб ёзиб қўйишни унутманг. Хатда тўлиқ исми-шарифингиз, туғилган йилингиз, касбингиз ҳамда иш ёки ўқиш жойингизни кўрсатсангиз, айни муддао бўлур эди.

ТАҲРИРИЯТ

1-МАСАЛА



Икки юришда мот (2 очко)

2-МАСАЛА



Уч юришда мот (3 очко)

3-МАСАЛА



Беш юришда мот (4 очко)

Миллий тикланиш
Муассис: Миллий тикланиш демократик партияси

Бош муҳаррир: Иброҳим ҒАФУРОВ

Газета 00136-рақам билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма: Г — 0489.
Сотувда нархи эркин.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Саҳифаловчи: Холида ИСЛОМОВА
Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди.
Босишга топшириш вақти 19.40

Манзилимиз: Тошкент-83, Матбуотчилар кўчаси — 32.
Телефон 133-50-18.
«Шарқ» нашриёт-матбаа консерни босмахонаси. Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Навбатчи — Шерали НИШОНОВ